БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 10 (17.590). • 12 январь 1980 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСда

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕҲНАТ ИНТИЗОМИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ВА КАДРЛАР ҚЎНИМСИЗЛИГИНИ КАМАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС қабул қилган қарорда таъкидланадики, совет кишиларининг КПСС XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги фидокорона меҳнати натижасида мамлакат экономикаси муттасил ривожланмоқда. Халқнинг моддий ва маданий турмуш даражаси изчиллик билан юксалмоқда, ишлаб чиқаришда сифат жиҳатидан ўзгаришлар содир бўлмоқда, ҳар бир кишининг ўз қобилиятини намоён этиши, ташаббускорлик ва ижодкорлик кўрсатиши, профессионал жиҳатдан ўсиши учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтирилмоқда.

Ишлаб чиқариш қўламлари ортиб бораётган, хўжалик алоқалари мураккаблашаётган, фан-техника тараққиёти жадаллашаётган ҳозирги шароитларда иш вақти ҳар бир соатининг, ҳар бир минутининг, ички тартиб қоидаларига қатъий риоя этишнинг, ишлаб чиқариш ҳар бир участкасида қўнимли кадрларга эга бўлишнинг аҳамияти ошмоқда. Бироқ, айрим хўжалик бошқаруви органлари, бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари амалда ана шу талабларни ҳисобга олмаяптилар ва ишлаб чиқаришда меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, меҳнат шароитларини яхшилашга, юксак уюшқоқликни, иш самарасини таъминлашга етарли эътибор бермаяптилар.

Маҳаллий органлар корхона ва муассасалардаги кишиларни ана шу корхона ва муассасаларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига алоқаси бўлмаган ҳар хил ишларга асоссиз равишда жалб этишлари натижасида меҳнатнинг кўплаб беҳуда сарфланишига, корхоналарнинг нормал иши бузилишига йўл қўйилмоқда. Кўпгина жамоат ташкилотлари иш вақтида йиғилишлар, кенгашлар, семинарлар, слётлар, спорт мусобақалари, бадиий ҳаваскорларнинг кўрикларини ва бошқа тадбирларни ўтказмоқдалар.

Партия ташкилотлари ишлаб чиқаришда интизомни мустаҳкамлаш ва тартибни таъминлаш учун хўжалик раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш борасида ҳамма ҳам самарали чоралар кўраяпти, деб бўлмайди. Ички меҳнат тартиби қоидаларининг бузилишига кўникиб қолган, прогуллларга, иш вақтининг зое кетиши фактларига принципиал партиявий баҳо берилмаётган бирлашмалар ва корхоналар бор. Меҳнат ва давлат интизомининг бузилиши иш натижаларининг ёмонлашувига, меҳнат унумдорлиги ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати пасайишига олиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС ишлаб чиқаришда меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, иш вақти зое кетишини тугатишга, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга, барқарор меҳнат коллективларини вужудга келтиришга қаратилган ташкилотчилик иши ва снёсий-тарбиявий ишларни анча яхшилаш партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг, хўжалик раҳбарларининг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблайдилар. Бу ишни партия иқтисодий ва социал снёсатини амалга оширишнинг, ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаришнинг, меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялашнинг бош йўналишларидан бири, деб билмоқ керак.

Партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органлари бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтидан самарали фойдаланиш масалаларини ҳал этишга комплекс ёндашишлари, жойлардаги ишларнинг аҳволини чуқур ўрганишлари, тегишли тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишлари шарт. Ишчи ва хизматчиларнинг ҳар хил қишлоқ хўжалик, қурилиш, тайёрлаш ишлари ва бошқа ишларга асоссиз равишда жалб этилишларига йўл қўйилмасин. Ташкилотчилик ва снёсий-тарбиявий ишларни ўтказиш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, меҳнаткашларни маънавий ва моддий рағбатлантиришни кучайтириш натижасида иш вақтидан жуда яхши фойдаланишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, кадрлар қўнимсизлигини камайтиришга эришаётган коллективларнинг тажрибаси активлик билан умумлаштирилиб, оммалаштирилсин ва татбиқ этилсин.

Меҳнаткашлар коллективларининг фаолиятига баҳо бериш, социалистик мусобақа якунларини чиқариш, коммунистик меҳнат коллективи номини бериш ва шу номни тасдиқлаш чоғида меҳнат интизоми кўрсаткичлари ишдаги асосий кўрсаткичлар билан бир қаторда ҳисобга олиниши лозим.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш прогрессив формаларининг муҳим аҳамиятини эътиборга олиб, министрликлар ва идораларга, бирлашмалар, корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозларнинг раҳбарларига, партия ва касаба союз ташкилотларига меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг коллектив формаларига изчиллик билан ўтиш тадбирларини амалга ошириш; бригадаларнинг кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги ишларини яхшилашда уларга мунтазам равишда зарур ёрдам бериб туриш; ишлаб чиқариш бригадалари кенгашларининг ва бригадирлар кенгашларининг ролини ошириш; меҳнатнинг моддий-техника таъминоти ва энергетика таъминотини таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва нормалашни ташкил этишни такомиллаштириш; шу масалаларни ҳал этишга меҳнаткашлар коллективи ва жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш топширилди.

Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, партия ва касаба союз органлари ҳар бир ходимнинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқ белгилаб қўйилишини таъминлашлари, улар ишлаб чиқариш вазифалари ва мансаб вазифаларини сўзсиз ҳамда сифатли бажаришларига эришишлари лозим. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ички тартиб-қоидаларига ҳамда меҳнат қонунларига риоя этиш ишда цех, участка ва смена бошлиқларининг, мастерлар ва бригадирларнинг масъулияти оширилсин. Бўлинмалар раҳбарларининг фаолиятига баҳо бериш чоғида улар план топшириқларининг бажарилиши учун қандай жавобгар бўлсалар меҳнат интизомининг аҳволи ва уни мустаҳкамлаш учун ҳам худди шундай жавобгар эканликларига амал қилинсин. Интизомни мустаҳкамлашда, ички тартиб-қоидаларга қаттиқ риоя этишда меҳнаткашлар коллективларининг роли оширилсин, уларнинг ҳар бир ходимга таъсири кучайтирилсин. Меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан ишчиларнинг йиғилишлари, ишлаб чиқариш бригадаларининг кенгашлари ва бригадирларнинг кенгашлари қабул қилган қарорларни ҳисобга олган ҳолда жамоатчилик таъсири, моддий ва интизом таъсири ўтказиш чоралари қўлланилсин. Ўртоқлик судларининг ва қонун бузишларнинг олдини олиш кенгашларининг иши яхшилансин, буларда ишлашга кадр ишчилар, меҳнат ветеранлари актив жалб этилсин.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари онгли интизомни тарбиялашга, барқарор меҳнат коллективларини вужудга келтиришга эътиборни кучайтирсинлар; ана шу масалаларни йиғилишларда, мунтазам суратда кўриб чиқсинлар. Меҳнат интизомини бузувчиларга муросасозлик билан либералларча муносабатда бўлиш фактлари бутунлай йўқотилсин, шу мақсадда меҳнат қонунларида кўзда тутилган барча таъсир чораларидан фойдаланилсин. Коллективга янги қабул қилинган, ишлаб чиқариш нормаси (нормаланган топшириқлар)ни бажармаётган ходимлар билан яққа тартибда ишлаш кучайтирилсин. Партия ўқуви, иқтисодий таълим, комсомол снёсий маорифи тармоғида ҳамда оммавий пропаганда ва агитациянинг бошқа формаларида социалистик меҳнат интизомининг аҳамияти чуқур кўрсатиб берилсин, коллектив аъзолари ўз касби, корхонаси учун фахрланиш руҳида, уюшқоқсизлик, интизомсизлик, хўжасизликнинг ҳар қандай кўринишларига муросасизлик руҳида тарбиялансин. Илғорларнинг, меҳнат қаҳрамонлари ва ветеранларининг ишдаги ютуқлари ва тажрибасини пропаганда қилиш юқори даражага кўтарилсин.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига умумий таълим мактабларини битириб чиққан ёшларни ишга жойлаштириш ва улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш устидан, мактабнинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш, мактаб ўқувчиларининг меҳнат таълими, тарбияси ва касб танлашни яхшилаш соҳасидаги тадбирлар қандай амалга оширилаётганлиги устидан контроллик қилишни кучайтириш топширилди. Аҳолини ишга жойлаштириш бюролари тармоғини янада ривожлантириш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилсин. Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг ишчи кучига бўлган эҳтиёжи ва ишга қабул қилиш тўғрисида аҳоли маҳаллий меҳнат органларининг ёрдамида хабардор қилинаётган шаҳарларнинг тажрибаси кенг қўлланилсин.

Партия, совет, касаба союз органларига, министрликлар ва идораларга, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга Москва, Ленинград шаҳарлари, Латвия ССР, Запорожье, Куйбишев ва Челябинск областларининг тажрибасига мувофиқ ички ресурслардан кенг қўлланиб қўл меҳнатидан фойдаланишни камайтириш ва меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш таклиф этилди. Хусусан ишлаб чиқаришга биринчи навбатда келган ёш ходимларга эътиборни кучайтириш, уларнинг профессионал маҳоратини ўстиришга ва коллектив ишларига жалб этишга ёрдамлашиш кўзда тутилган. СССР 50 йиллиги номли Волжск автомобиль заводи ва бошқа илғор корхоналарнинг тажрибасига мувофиқ касби ва малакасига кўра қўтариш системаси жорий этилсин. Ёшлар билан ишловчи комиссиялар тузилсин, мураббийларнинг ҳаракати ривожлантирилсин, уларнинг обрўэътибори оширилсин. Педагогика билимларининг асослари ўқитилсин. Иттифоқдош республикалар Олий Советларининг Президиумларига «Ёшларнинг хизмат кўрсатган мураббийси» фахрий унвонини белгилаш тавсия этилди.

Совет ва хўжалик органларига ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш аҳамиятидаги объектларнинг комплекс қурилишини таъминлаш, корхоналарнинг уй-жой фондини мумкин қадар шу корхоналар ҳисобида вужудга келтириш, ётоқхоналарни ободонлаштириш ва реконструкциялашни яхшилаш чораларини кўриш топширилди. Ётоқхоналар асосан меҳмонхона типида, шу жумладан ёш оилалар учун қурилсин. Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар ҳузурида уй-жой қурилиши кооперативларини ташкил этиш кўзда тутилсин. Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга ходимлар учун белгиланган тартибда банк кредитини жалб этган ҳолда яққа тартибда уй-жой биноларини қуришга рухсат берилди. Шундай уй-жойларни қуришда ишчи ва хизматчиларнинг бевосита иштирок этишини амалда қўллаш тавсия қилинди.

Бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига касаба союз комитети билан келишиб ҳамда меҳнаткашлар коллективларининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда рағбатлантирувчи фондларнинг маблағларини бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларда камида беш йил ишлаган ходимларига, келин-куёвлар эса камида икки йил ишлаган бўлса уларга кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун текин моддий ёрдам кўрсатишга ҳамда банк кредитини қисман тўлашга сарфлаш ҳуқуқи берилди. Ходимлар узрли сабабларсиз ўз хоҳишларига биноан ишдан бўшаганларида ёки меҳнат интизомини бузганликлари учун рағбатлантирувчи фондларнинг текин ёрдам бериш ёки банк кредитини тўлашга сарфланган маблағлари беш йил муддат ичида бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга қайтариб берилиши керак.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига, министрликлар ва идораларга бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ иш режимларини тартибга солиш, уларнинг меҳнаткашлар учун энг қулай бўлган иш вақтини белгилаш, шу мақсадда иш кунини тақсимлаш графикларидан кенг фойдаланиш таклиф этилди.

Қарорда 15 иш куни давомидаги йиллик отпускадан фойдаланадиган ҳамда саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларида, геология-разведка ташкилотларида ва гидрометеорология хизмати ташкилотида банд бўлган ишчи ҳамда хизматчилар учун узлуксиз иш стажига қўшимча отпуска берилмайдиган ходимларнинг категорияларига ўн биринчи беш йилликда қуйидаги қўшимча отпуска берилади: дастлабки уч йилги иши учун — бир куни, шундан кейинги ҳар икки йил учун — бир кундан, лекин уч кундан ошмаслиги керак. Мазкур отпускани бериш учун стаж 1980 йил 1 январдан бошлаб ҳисоблансин. Узрсиз сабабларга кўра прогул қилган (шу жумладан ишга маст бўлиб келган) ишчи ва хизматчиларга ўша йили узлуксиз иш стажи учун қўшимча отпуска батамом ёки қисман берилмаслиги мумкин.

Шу нарса белгиландики, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўланмайдиган отпуска фақат корхона, ташкилот, муассаса раҳбарининг ёки ишлаб чиқариш бирлиги раҳбарининг рухсати билан берилади ва тегишли бўйруқ (фармойиш) билан расмийлаштирилади.

Ишчи ва хизматчилар узлуксиз иш стажининг камида 25 йили, болали аёллар узлуксиз иш стажининг эса камида 20 йили бир корхона, муассаса, ташкилотдаги ишга тўғри келса, агар улар бир вақтнинг ўзида умумий иш стажи учун пенсияга устама ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлсалар, ўн биринчи беш йилликда қарилик пенсияларига устама ҳақ миқдорини 10 процентдан 20 процентгача оширишга қарор қилинди. Ана шундай шартларда пенсиянинг 10 процента атрофидаги устама ҳақ пенсиянинг кўзда тутилган энг кўп миқдорига қўшимча равишда ҳисобланади.

Шуни белгилаш мақсадга мувофиқ деб топилдики, ишчи ва хизматчилар ноаниқ муддатга тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳақда маъмуриятни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантиришлари керак. Календарь йил мобайнида узрсиз сабаблар билан ўз хоҳишига кўра ишдан такроран бўшаганда узлуксиз меҳнат стажи сақланмайди. Мазкур масалалар юзасидан СССР Олий Совети Президиумининг тегишли фармонлари қабул қиликган.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка, область ва шаҳар Советларининг ижроия комитетларига ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаётган шахслар билан ишлашни яхшилашга доир конкрет тадбирларни кўриш таклиф этилди. Хўжалик ва совет органлари олдига бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар кадрлар бўлими (бюроси) ишини такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ва ВЦСПСга министрликлар ва идораларнинг, СССР Фанлар академияси ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишторокчилари билан меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтидан тўлиқ фойдаланиш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш соҳасида ўтказилаётган социал, иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирлар самарадорлигини мунтазам суратда ўрганиш ва анализ қилиш топширилди.

Тегишли министрликлар, идоралар, шунингдек газета, журналларнинг редакциялари, нашриётлар, ижодий жамоат ташкилотлари меҳнат интизомининг иқтисодий, маънавий ва ижтимоий аҳамиятини ёрқин ва ишонтирарли кўрсатиб беришлари, фаолиятни юксак онгли интизом билан ажралиб турган меҳнаткашлар коллективларининг тажрибасини кенг оммалаштиришлари зарур. Уюшқоқсизлик ва интизомсизликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик муносабати вужудга келтирилсин. Меҳнат қаҳрамонлари ва ветеранларини, меҳнаткашларнинг сулолаларини, социалистик ишлаб чиқариш илғорларини ёрқин тасвирловчи санъат ва адабиётнинг бадиий юксак асарларини, кинофильмларни яратишга эътибор кучайтирилсин.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари актив ва изчил ташкилотчилик иши ҳамда оммавий-снёсий ишлари билан халқ хўжалигининг барча бўғинларида меҳнат интизоми янада мустаҳкамланишини, меҳнат ресурсларидан яхшироқ фойдаланишни таъминлайдилар, деб қатъий ишонч билдирадилар. Ана шу вазифаларнинг ҳал этилиши социалистик экономикани мувафақиятли ривожлантиришга, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада юксалтиришга ёрдам беради ҳамда бу барча меҳнаткашларнинг, ҳар бир меҳнат коллективининг иши бўлиб қолмоғи лозим.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли капролактам комплексида қувватларни созлаш ва ишга тушириш давом этмоқда.

Юқоридаги суратда: комплекснинг илгор аппаратчиларидан бири Л. Чурин. Пастдаги суратда: Янгийўл районининг «Ленинизм» колхозидаги устахоналарда техникани баҳорги мавсумга тайёрлаш акс эттирилган. Механик Ҳамид Аҳмедов (ўнгда) ва механизатор Мирзааҳмад Иллашевлар ремонт қилинган агрегатларни кўздан кечирмоқдалар.

А. Авазов (ЎзТАГ) ва В. Сиротнин фотолари.

ТЕЖАМКОРЛИК ТУФАЙЛИ

Бекободдаги темир-бетон буюмлари ва қурилиш материаллари комбинатининг коллективи йил бошидан бошлаб ўтган йили иқтисод қилинган хом ашё ҳисобига маҳсулот чиқармоқда. Комбинат ишчилари суғориш каналлари учун кўплаб сифатли лотоклар тайёрлаб бермоқдалар. Ҳозир бир неча ўн километр масофани эгаллайдиган ана шундай лотоклар колхоз ва совхозларга жўнатилди.

Коллектив қўшни металл конструкцияларни заводи билан ўзаро мусобақалашиб, хомашё иқтисод қилиш йўлида яхши натижаларга эришмоқда. Ихкала завод коллективи бу соҳада бир-бирларининг иш усулларини ўрганиб, металл, темир-бетон, цемент ва бошқа материалларни тежаш йўлида ҳамкорлик қилмоқдалар. Бу эса халқ хўжалиги учун кўплаб қурилиш материаллари ва бошқа зарур маҳсулотларни етказиб беришга катта ёрдам бермоқда.

ЗЛОБИН МЕТОДИ АСОСИДА

«Наманганобколхозстрой» трести Уйчи район механизациялашган кўчма колоннасининг Салоҳиддин Жалолов бошлиқ комплекс бригадаси ҳозир иккинчи квартал ҳисобига ишламоқда. Коллективнинг юксак суръат билан иш олиб бораётганлиги натижасида жуда кўп объектлар муддатидан илгари битказилаётир. Бригаданинг Николай Злобин методи асосида иш олиб бораётганлиги, айниқса, меҳнатда яхши самара бермоқда.

Бригадага уюшган қурувчиларнинг ҳаммаси икки-уч касбни мукаммал биляб олишган. Бу эса юксак унум билан ишлашни таъминламоқда. Шунингдек бу ерда ишнинг тўхтаб қолишига сира йўл қўйилмайди. Бир йўла икки-уч объектда иш олиб борилиши бригада кучидан тўла фойдаланишга ёрдам бермоқда.

Коллектив В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, юбилей кунигача беш йиллик топшириқни муддатидан илгари адо этишга қарор қилди.

24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

СОВЕТЛАРГА — МУНОСИБ НОМЗОДЛАР

Республикада меҳнаткашларнинг сайловолди йиғилишлари баланд руҳ ила ўтмоқда. Йиғилишларнинг иштирокчилари партия олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни яқдиллик билан маъқулламоқдалар, халқнинг энг яхши намояндаларини депутатликка номзод қилиб кўрсатмоқдалар.

Тошкент шаҳридан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига Ленин район партия комитетининг биринчи секретари **Иван Иванович Федоринов**, Тошкент асбобсозлик заводининг штамповкачиси **Валентин Григорьевич Гулий**, «Ташкенткабель» заводининг ишчиси **Римма Витальевна Байнова**, Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри **Салим Пўлатов**, «Главташкентстрой» 6-қурилиш трестининг бўёқчиси **Надежда Иосифовна Садовская**, Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари **Ҳожиакбар Тошхўжаев** номзод қилиб кўрсатилди.

Андижон областида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб Пахтаобод районидаги «Москва» колхозининг аъзоси **Солиҳон Марайимовна Мирзакаримова**, Қўрғонтепа район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Узоқбой Саримсоқович Саримсоқов**, Андижондаги трикотаж фабрикасининг бичувчиси **Турсуной Шукуровна Бобохўжаева**лар кўрсатилди.

Наманган областида бўлиб ўтган сайловолди йиғилишларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига Поп районидаги «Найман» совхозининг бригада бошлиғи **Туксулув Бултирова**, Наманган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Ганижон Тожибоев**, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти **Эркин Юсупов** номзод қилиб тилга олинди.

Сирдарё областида бўлиб ўтган сайловолди йиғилишининг иштирокчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб Ўзбекистон Ленин комсомоли 50 йиллиги номли Гулистон тикувчилик фабрикасининг тикувчи-моториси **Дилбар Эргашевна Пардаева**ни, Ильич район партия комитетининг биринчи секретари **Содиқ Юсупович Отаховонни**, халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси **Иброҳим Қўчқоровни** кўрсатдилар.

Сурхондарё областида республика Олий Совети депутатлигига «Джаркурганнефть» бошқармасининг оператори **Евгений Михайлович Тишкин**, Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министри **Гафур Насриддинович Насриддинов** кўрсатилди.

Самарқанд областида бўлиб ўтган сайловолди йиғилишларида Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига Жомбой районидаги «Москва» колхозининг аъзоси **Зарбуви Остоновна Муминова**, республика «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг редактори **Шавкат Ниёзов**, Самарқанд шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси **Акрам Худойқулов**, Пахтачи район партия комитетининг биринчи секретари **Зулайҳо Норқулова** номзодлари тавсия этилди.

Хоразм областида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига Хива районидаги Огаҳий номли колхоз аъзоси **Сора Норбоевна Оллаберганова**, Ўзбекистон ССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари **Маҳмуд Сандович Сандов**, халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси **Раҳим Эшчонов** кўрсатилди.

Қашқадарё областида бўлиб ўтган сайловолди йиғилишларида республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб Нишон районидаги Ч ли Бегимкулов номли совхоз бригада бошлиғи **Адолат Нуркуловна Носирова**, республика ДОСААФ комитетининг раиси **Ахмаджон Муҳаммаджонович Ҳожибоев**, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикасининг пилла ўровчиси **Гулшен Қодировна Меметова** кўрсатилдилар.

Фарғона областида республика Олий Совети депутатлигига Фарғона шаҳридаги химиявий тола заводининг ишчиси **Галина Николаевна Иванова**, Қўқон пайпоқ-йигирув комбинатининг йигирувчиси **Лидия Анатольевна Феоктистова**, Ўзбекистон ССР прокурори **Наман Бўриҳўжаев**, Олтиариқ районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси **Раҳима Охунжонова**лар номзод қилиб тавсия этилдилар.

(ЎзТАГ).

ЯҚДИЛЛИК БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида бўлиб ўтаётган сайловолди кенгашларида меҳнаткашлар коллективларининг вакиллари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзодларни муҳокама қилмоқдалар. Нотиқлар совет демократиясининг улуғворлиги тўғрисида, совет кишилари сайлов кунида совет жамиятининг монолит бирлигини зўр куч билан намойиш этишга интилаётганликлари тўғрисида баланд руҳ билан гапирмоқдалар.

Республика Олий Совети депутатлигига Қамаши районидаги Ленин номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи **Ойбаҳор Мардоновани**, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Виктор Николаевич Сивцев**, «Спецмонтажводстрой» трестининг Маргилондаги 5-кўчма механизациялашган колоннаси монтажчилар бригадасининг бошлиғи **Николай Васильевич Смирнов**ни, Тошкент электрон техника заводи оператори **Наталья Юрьевна Тихомирова**ни, Ўзбекистон Кинематографячилар союзи правлениесининг биринчи секретари **Малик Қаюмовни**, Комсомолобод районидаги «Партия XXIV съезди» колхози тракторчиси **Исмоил Садриддинов**ни, Боғотдаги Нариманов номли колхоз раиси **Абдулла Искандаров**ни, Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз меҳнатчиси **Гулнора Шомирзаевна Болтабоева**ни номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорни қизғин қўллаб-қувватладилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ЖИЗЗАХ, 11 январь. (ЎзТАГ). Жиззах область партия комитетининг пленумида КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисидаги қароридан ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг қароридан область партия ташкилоти учун келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Пленум қатнашчилари КПСС XXV съезди қарорлари асосида мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашни янада яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИГА САЙЛОВ ШАРАФИГА

1980 йил 24 февралда нттифоқдош, автоном республикаларнинг Олий Советларига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ўтказилади. Сайловга тайёргарлик муносабати билан партия ташкилотлари меҳнат коллективларида ва ахолининг истиқомат жойларида агитация-пропаганда ишини кенг миқёсда авж олдириб юборишлари, КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқини чуқур тушунтириб бериш, меҳнаткашларнинг ижодий куч-ғайратларини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга, 1980 йил планини, умуман беш йилликни муваффақиятли бажаришга сафарбар қилиш бу ишга асос қилиб олинган.

Ягона сиёсий кунларнинг ташкилотчиларига, докладчиларга, лекторларга, сиёсий ахборотчилар ва агитаторларга ёрдам тариқасида суҳбатларнинг намунавий тематикаси эълон қилинмоқда.

В. И. Ленин социалистик демократия тўғрисида.

КПСС — Совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи.

КПСС — бутун халқнинг авангарди.

КПСС — халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумидаги нутқи — жанговар программамиздир.

СССР—социалистик умумхалқ давлати.

Халқ бахт-саодати — партия сиёсатининг олий мақсади.

Давлат омманинг онглилиги билан кучли.

Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси.

Совет кишиси — ўз мамлакатининг хўжайини.

Ривожланган социалистик жамият — коммунизм йўлидаги қонуниятли босқич

Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи.

Совет сайлов системасининг демократизми.

СССРдаги бутун ҳокимият — халқникидир.

Халқ депутатлари Советлари — СССРнинг сиёсий негизи.

СССР Конституцияси — халқ ҳокимияти ленинча принципларининг ифодаси.

СССР Конституцияси яшамоқда, амал қилмоқда, ишламоқда.

Коммунистлар билан партиясизларнинг бузилмас блоки.

Социалистик турмуш тарзи — социализмнинг буюк ғалабаси.

Совет жамияти — реал демократия ва ҳақиқий озодлик жамияти.

СССР гражданлари ҳуқуқлари, эркинликлари ва вазифаларининг бирлиги.

Социалистик Ватаннинг қудрати ва равнақи — совет кишилари ҳуқуқларининг бош гаровидир.

Ватанпарварлик ишларимиз — хулқ-атворимизда намоён бўлсин.

Социалистик демократияни янада ривожлантиришда меҳнат коллективларининг роли.

Коллективнинг шон-шарафи — бизнинг шон-шарафимиздир.

Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша.

Ҳар бир кишининг эркин камол топиши — ҳамманинг эркин камол топиши шартидир.

Совет Иттифоқи граждани — фахрли ном.

Совет хотин-қизлари — жамиятнинг чинакам эркин ва тенг ҳуқуқли аъзоларидир.

Совет касаба союзлари — коммунизм мактаби.

Коммунизмни ёшлар қурадилар.

Депутатликка бизнинг номзодларимиз.

Депутат — халқнинг мухтор вакили.

Депутат — омманинг ташкилотчиси ва тарбиячисидир.

Шаҳримиз (районимиз, посёлкамиз) сайловдан сайловгача.

Сайловчиларнинг наказлари қандай бажарилмоқда.

Жаҳон социализми — ҳозирги замоннинг бош революцион кучи.

Совет халқининг интернационализми.

Икки дунё — икки демократия.

Капитализм — келажакдан маҳрум жамиятдир.

СССР Қуролли Кучлари — совет халқи тинч меҳнатининг ишончли посбони, ялпи тинчлик таянчидир.

Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш — муқаддас бурчимиз.

Совет Иттифоқи тинчлик учун, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун кураш пешқадами.

Самарадорлик ва сифат учун курашда — ёнимизда битта ҳам қолоқ бўлмасин.

1980 йилни ленинча зарбдор ишлаш йилига айлантирамиз!

Ленинчасига, коммунистчасига яшаймиз, ишлаймиз ва курашамиз!

Сайловни меҳнатда, ўқишда ва ижодда янги ютуқлар билан нишонлаймиз.

В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигини муносиб равишда кутиб оламиз!

Фахрли Ленин шаҳодатномаси — беш йиллик гвардиячиларига берилган юксак мукофотдир.

Ўнинчи беш йилликни зарбдорларча тугаллаймиз!

Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизмнинг янги ғалабалари сари олға!

ЮКСАК МАРРАЛАР

СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1980 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Завод коллективи КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, беш йилликнинг тўрт йили мобайнида 104 мингта трактор, пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган 147 мингта трактор ағдарма прицепи, 15,7 миллион сўмлик запас қисм ишлаб чиқариб, мамлакатнинг пахтакор республикалари қишлоқ меҳнатчиларига етказиб берди. Жами ялпи маҳсулот ҳажми 1975 йилга нисбатан 29,7 процент кўпайди, Меҳнат унумдорлиги эса 15,8 процент ошди.

Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва 1979 йил ноябрь Пленумлари, СССР Олий Советининг иккинчи сессияси қарорларини бажариш йўлидаги курашда куч-ғайратларини кўпайтириб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида баён этилган қоида ва хулосаларга амал қилиб, В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга, беш йилликнинг якунловчи йилини ленинча зарбдор ишлаш йилига айлантиришга интилмоқдалар. 1980 йил учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажми юзасидан белгиланган йиллик планни 29 декабргача бажариш, ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилга нисбатан пландаги 4,6 процент ўрнига 5,6 процент кўпайтириш кўзда тутилди. Планга қўшимча равишда 500 та трактор тайёрлаш, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни 1979 йилга нисбатан 20 процентдан зиёд кўпайтириш, пландан ташқари камида 100 минг сўм фойда олиш белгиланди.

Фан-техника тараққиётини ҳар томонлама жадаллаштириш, асбоб-ускуналардан яхшироқ фойдаланиш, юксак уюшқоқлик ва интизомни йўлга қўйиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган йиллик топшириқни ортиғи билан бажаришга ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг 90 процентини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлашга қарор қилинди.

Машиналар конструкциясини такомиллаштириш ва механизаторларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида тракторсозлар кабинаси герметикланган ва бошқарув пульти унификация қилинган «Т28Х4М» тракторини қиймига етказиш, тайёрлаш ва давлат синовига топширишга аҳд қилдилар. Асосий ишлаб чиқаришни механизациялаш даражасини 81 процентгача кўтариш, 34 та автомат, ярим автомат, агрегат станокларини жорий этиш, 40 та технология ускунасини модернизациялаш, 500 погон метр конвейер линияни жорий этиш белгиланди. Юк ортиш-туширишва транспорт-омбор ишларини механизациялаш даражасини ошириш ҳисобига 300 ишчини бошқа ишлар учун бўшатиб бериш назарда тутилди. Пировард натижаларга биноан ишбай усулда ҳақ тўланадиган ишлаб чиқариш ишчиларининг камида 50 проценти меҳнатни ташкил қилиш ва ҳақ тўлашнинг бригада усулига ўтказилади.

Завод меҳнатчилари меҳнат ва моддий ресурсларини иқтисод қилиш ва тежаш режимини кучайтириш учун қатъият билан курашишга сўз бердилар. Технология асбоб-ускуналарининг смена коэффициенти 1,85 га, металлдан фойдаланиш коэффициентлари трактор ишлаб чиқаришда 0,7 га, прицеплар ишлаб чиқаришда 0,83 га етказилади, бир йил давомида 120 тонна қора металл, 2,5 миллион киловатт-соат электр энергия ва 6,5 минг гигакалория иссиқлик энергияси тежаб қолинади. Ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш йўли билан 730 минг сўм миқдорида иқтисодий самара олинади.

Мажбуриятда тракторсозларнинг турмуши, уларнинг касб-кор маҳоратини ошириш тўғрисидаги ғамхўрликни кучайтириш кўзда тутилган. 1980 йилда 400 тадан ортиқ квартира, иккита ётоқхона ва 560 ўринли 2 та болалар боғчаси қурилади. Санаторийлар, дам олиш уйлари ва пионер лагерларида 2,5 минг завод меҳнатчиси ва уларнинг оила аъзолари сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлайди, корхона территориясини, уй-жой массивларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уларни намунавий ҳолатга келтириш тадбирлари амалга оширилади. 1300 кишининг малакаси оширилади, 680 киши иқтисодий ўқишга жалб этилади, ишлаб чиқаришдаги асосий касбларда ишлайдиган 1050 нафар янги ишчи тайёрланади.

Сирдарё областидаги Ильич районининг Г. Титов номли совхозига оталиқ ёрдамини кенгайтириш белгиланди.

Социалистик мажбуриятлар завод цехлари ва бўлимларининг меҳнат коллективлари „йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА— ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1979 йилда чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан ўтказилган социалистик мусобака якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Фарғона областида** қолдирилди (область партия комитетининг секретари ўртоқ Умаров, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Рустамов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ғаниев). Бу область гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 111 процент, сут тайёрлашни 112 процент, тухум тайёрлашни 117 процент, жун тайёрлашни 118 процент бажарган ва 1978 йилги ҳажмга нисбатан анча ўсишга эришишни таъминлаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини қуйидагиларга беришга қарор қилинди:

Тошкент области (область партия комитетининг секретари ўртоқ Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳмонов). Бу область гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 106 процент, сут тайёрлашни 119 процент, тухум тайёрлашни 106 процент, жун тайёрлашни 124 процент бажарган ва 1978 йилдагига нисбатан энг кўп ўсишга эришишни таъминлаган. Байроқ Самарқанд областидан олиб берилади;

Қашқадарё областининг **Ульянов райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Умиров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Баҳромов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Суннатов). Бу район гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 120,3 процент, сут тайёрлашни 117,7 процент, тухум тайёрлашни 136 процент, жун тайёрлашни 115,8 процент бажарган ва барча турдаги маҳсулот тайёрлашни энг кўп даражада кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Наманган областидаги Янгиқўрғон районидан олиб берилади;

Сурхондарё областининг **Ғагарин райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Муродов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қувондиков, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Мирзаев). Бу район гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 134,7 процент, сут тайёрлашни 112,6 процент, тухум тайёрлашни 137,8 процент, жун тайёрлашни 109 процент бажарган ва 1978 йилга нисбатан энг юқори ўсишга эришишни таъминлаган. Байроқ Сурхондарё областининг Термиз районидан олиб берилади;

Бухоро областининг **Конимех райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Петросян, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ярашев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Очилов). Бу район ўсишга эришишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 111,1 процент, жун тайёрлашни 104,2 процент ва қоракўл тери тайёрлашни 108 процент бажарган. Байроқ Қорақалпоғистон АССРнинг Беруний районидан олиб берилади;

Андижон область **Бўз районидаги Энгельс номли колхоз** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Мирзаев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Охунов). Бу колхоз 1978 йилга нисбатан энг юқори ўсишга эришишни таъминлаган ва давлатга гўшт сотиш йиллик ҳажмини 137,5 процент, сут сотишни 121,8 процент, тухум сотишни 112,1 процент, жун сотишни 101,6 процент бажарган. Байроқ Андижон область Андижон районидаги Жданов номли колхозидан олиб берилади;

Қорақалпоғистон АССР **Беруний районидаги Навоий номли колхоз** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Кўзибоев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Машарипов). Бу колхоз 1978 йилга нисбатан юқори ўсишга эришишни таъминлаган ва давлатга гўшт сотиш йиллик ҳажмини 135 процент, сут сотишни 100 процент, тухум сотишни 169 процент бажарган. Байроқ Бухоро область Шофиркон районидаги Ленин номли колхозидан олиб берилади;

Хоразм область, **Боғот районидаги Нарманов номли колхоз** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Искандаров, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Қобулов). Бу колхоз 1978 йилга нисбатан юқори ўсишга эришишни таъминлаган ва давлатга гўшт сотиш йиллик ҳажмини 188 процент, сут сотишни 180 процент, тухум сотишни 132 процент бажарган. Байроқ Самарқанд область Нарпай районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан олиб берилади;

Самарқанд область **Нурота районидаги «Нурота» совхози** (совхоз директори ўртоқ Ҳалилов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Мансуров, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Норбоев). Бу совхоз давлатга гўшт топшириш йиллик планини 112 процент, сут топширишни 212 процент, жун топширишни 116 процент, қоракўл топширишни 122 процент бажарган. Байроқ Жиззах область, Зомин районидаги «Ударник» совхозидан олиб берилади;

Сирдарё область **Оқолтин районидаги У. Юсупов номли совхоз** (совхоз директори ўртоқ Ҳайдаров, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Хушвақтов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Эргашев). Бу совхоз давлатга гўшт топшириш йиллик планини 127,6 процент, сут топширишни 117,5 процент бажарган ва гўшт тайёрлашни икки баравар кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Сирдарё область Комсомол районидаги «Ленинград» совхозидан олиб берилади;

Тошкент область **Оржоникидзе районидаги Бўстонлиқ паррандачилик фабрикаси** (директори ўртоқ Валишин, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Доренкова, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Яғьаев). Бу паррандачилик фабрикаси тухум топшириш йиллик планини 122,4 процент, гўшт топширишни 128,8 процент бажарган ҳамда тухум ва парранда гўшт етиштиришни 1978 йилга нисбатан ғоят кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Қорасув давлат зотли паррандачилик заводидан олиб берилади;

Наманган область **Янгиқўрғон районидаги «Узплодоовощвинпром» бирлашмасига қарашли «Заркент» совхози** (директори ўртоқ Тўрабоев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ражабов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Ҳошимов). Бу совхоз 1978 йилга нисбатан юқори ўсишни таъминлаган ва давлатга гўшт топшириш йиллик ҳажмини 110 процент, сут топширишни 111 процент, тухум топширишни 235 процент бажарган. Байроқ Тошкент область Тошкент районидаги «Тошкент» совхозидан олиб берилади;

Жиззах область **Мирзачўл районидаги «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Партия XXIV съезди» совхози** (совхоз директори ўртоқ Бобобеков, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Сотқулиев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Суннатов). Бу совхоз давлатга гўшт топшириш юзасидан социалистик мажбуриятини 100 процент, сут топшириш мажбуриятини 156 процент бажарган ва ана шу маҳсулотларни тайёрлаш ҳажмини икки баравар кўпайтиришга эришган. Байроқ Қашқадарё область Ульянов районидаги «III Интернационал» совхозидан олиб берилади;

Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитетининг Жиззах балиқ комбинати (директори ўртоқ Ким, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Жиганов). Бу комбинат балиқ овлаш йиллик планини 113,4 процент, балиқ маҳсулотлари етказиб бериш планини 110,1 процент, фойда олиш планини 155,8 процент, меҳнат унумдорлигини ошириш планини 110 процент бажарган. Байроқ Дамачи балиқчилик хўжалигидан олиб берилади;

Фарғона областидаги **Киров район матлубот союзи молларни сўқимга боқиш хўжалиги** (район матлубот жамияти правлениесининг раиси ўртоқ Маматқулов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Тоштемирова, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Курбонов, молларни сўқимга боқиш хўжалигининг директори ўртоқ Қўшоқов). Бу хўжалик молларни сўқимга қўйиш йиллик планини 107,8 процент, гўшт етиштириш планини 121 процент, молларни семиртириш планини 124 процент бажарган. Байроқ Наманган областидаги Тўрақўрғон район матлубот союзи молларни сўқимга боқиш хўжалигидан олиб берилади.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети министрликлар ва идораларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжаликларини ривожлантириш юзасидан 1979 йилги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилади:

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг **Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район ошхоналар трести бўрдоқичилик хўжалиги коллективи** (трест директори ўртоқ Ражабов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Миршоҳидов, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Дементьева). Бу коллектив қисқа вақт ичида ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, жонворларни ўзида урчитиб, чўчқалар сонини кескин равишда кўпайтириш йўли билан уларни ўртача суткалик семиртиришни 497 граммгача етказган ва 145 центнер чўчқа гўштини реализация қилган. Байроқ Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг Коғон шаҳар савдо бўлими бўрдоқичилик хўжалигидан олиб берилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли **«Шофиркон» санаторийси ёрдамчи хўжалиги коллективи** (санаторийнинг бош врачи ўртоқ Камолов, партия ташкилотининг секретари, ёрдамчи хўжалик директори ўртоқ Носиров, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Умаров). Бу коллектив 50 тонна ёки мажбуриятга нисбатан 250 процент гўшт, 246 центнер ёки мажбуриятга нисбатан 175 процент сут, 12 минг дона ёки мажбуриятга нисбатан 133 процент тухум ва 362 центнер ёки мажбуриятга нисбатан 144 процент сабзавот етиштириш ҳамда реализация қилишни, айни вақтда чорва туёғи ва парранда сонини кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли Тошкент тўқимачилик комбинатининг ёрдамчи хўжалигидан олиб берилади.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли Тошкент тўқимачилик комбинати «Текстильщик» совхози, Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг Қўқон ёғ-мой комбинати ва Ўрта Осиё темир йўли ишчилар таъминоти бошқармаси «Ўзгариш» совхозининг чорва туёғи ва парранда сонини кўпайтириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва реализация қилишни кўпайтиришни таъминлаш юзасидан яхши иш қайд қилиб ўтилди.

(ТАСС).

«Учқун» ишлаб чиқариш бирлашмаси колективи аёлларнинг турли-туман чиройли, нафис рўмолларини тайёрлашни ўзлаштирди. Бу маҳсулотлар тез орада харидорлар эътиборини тортди.

Суратда: корхона пардозлаш цехи бригадири Абдуллапа Қўшоқов. Юқори малакали бу ишчи аъло сифатли маҳсулот тайёрлаш билан кўпчилик ҳурматини қозонмоқда.

В. Сироткин фотоси.

ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Тошкент шу йил май ойининг сўнгги ўн кунида ўтадиган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VI халқаро кинофестивалининг қатнашчиларини самимий кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Ўзбекистоннинг энг яхши заллари уларнинг ихтиёрига бериб қўйилади, кинематографиячиларнинг аввалги анжуманлари тўғрисида ҳикоя қилувчи махсус китоблар чиқарилади, кўпдан-кўп совғабоп маҳсулотлар фестиваль эмблемаси билан безатилади. Жаҳон киносининг кўпгина усталари Тошкентдаги анъанавий кино байрамига ғоят қизиқиб қарамоқдалар. «Кинофестиваль-80»да қатнашиш тўғрисидаги таклифномалар дунёдаги юздан ортиқ мамлакатларга, бир қанча халқаро ташкилотларга юборилди.

11 январь куни VI халқаро кинофестивалга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Мажлисда ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева раислик қилди. Фестиваль бош дирекциясининг состави тасдиқланди, кинематографиячиларнинг халқаро учрашувига қандай тайёргарлик кўрилаётгани тўғрисида республика министрликлари ва идоралари раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

(ЎзТАГ).

В. И. ЛЕНИН БИОГРАФИК ХРОНИКАСИНИНГ 10-ТОМИ

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти томонидан босмага тайёрланган «Владимир Ильич Ленин» биографик хроникасининг 10-томини чоп этди.

Томга 1921 йил январь-июль даврига оид материаллар киритилди. Бу материаллар совет халқи халқаро империализм ва оқгвардиячилар контрреволюцияси бирлашган кучлари устидан жаҳоншумул тарихий ғалаба қозониб, урушдан тинч социалистик қурилишга ўтган даврда революция йўлбошчисининг мамлакатга раҳбарлик қилиш соҳасидаги кўп қиррали фаолиятини тасвирлайди.

В. И. Ленининг янги иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги роли, унинг мамлакат халқ ҳўжалигини қайта тиклашга раҳбарлик қилиш, партиянинг ташқи сиёсат йўлини амалга ошириш соҳасидаги амалий фаолиятини кўрсатувчи материаллар кўплаб эълон қилинган. Томдаги материаллар Совет давлати асосчисининг омма билан чамбарчас алоқасини кўрсатади.

Томга киритилган (тўла ёки қисман эълон қилинган) уч мингга яқин факт, 750 дан кўпроқ янги ҳужжат В. И. Ленин тўғрисидаги тасаввуримизни кенгайтиради ва чуқурлаштиради.

Улар Коммунистик партия билан Совет давлати тарихидаги энг мураккаб даврлардан бирида Владимир Ильичнинг мислсиз улкан фаолиятини яққол очиб беради.

Том М. Горький номли Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ленинград «Печатный двор» ишлаб чиқариш-техника бирлашмасида босилган.

(ТАСС).

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАЛАРИ

ҚУРИЛИШ СИФАТИ НИМАГА БОҒЛИҚ

Бинокорлар олдидаги муҳим вазифалардан бири — қурилиш жараёнларини пишиқ-пухта бажариб, объектларни белгиланган муддатларда сифатли фойдаланишга топширишдан иборат. Республикамиз қурувчилари, монтажчилари ва пардозловчилари кўплаб иншоотларни сифатли барпо этишяпти.

Сўнгги пайтларда объектларни бинокорлик материаллари билан таъминлаш ҳам яхшиланди. Деталларни заводдаёқ тўла тайёр ҳолга келтиришга муваффақ бўлиняпти. Кейинги икки йилда амалга оширилган барча қурилиш ишларининг 49-65 проценти заводда тўла йиғилган бинокорлик материаллари билан қурилди. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигида барча объектларнинг 65, «Главташкентстрой»да 62, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигида 49 проценти йиғма темир-бетон панеллари ва маҳсулотлари ҳисобига барпо этилди.

Республика министрликлари ва Бош бошқармаларида қурилиш ишларининг сифатини яхшилаш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Енгил конструкциялардан кенг кўламда фойдаланиш, темир-бетон маҳсулотларини илғор технология асосида тайёрлаш, иссиқни сақловчи материалларни заводдаёқ тўла монтажлаш имконини берувчи янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида аҳамият берилиняпти. Шунинг натижасида қурилиш ишларининг сифати ўсяпти.

1978 йили қурилган барча объектларнинг 4,2 проценти «аъло», 91,4 проценти «яхши» ва 4,4 проценти «қониқарли» баҳода фойдаланишга топширилган эди. Бултур «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширилган объектлар 1977 йилдагига нисбатан 0,9 процентга, «яхши» баҳоға битказилган иншоотлар сони 1,6 процентга ошди. «Қониқарли» баҳоға қабул қилинган объектлар эса 2,5 процент камайди.

Айрим министрликларда қурилиш-монтаж ишларининг яхши ташкил этилмаслиги, объектлар бинокорлик материаллари билан тўла, бир меъёрда таъминланмаслиги, қурувчиларнинг ўз ишларига нисбатан масъулияти оширилмагани каби камчиликлар оқибатида сифатсиз қурилган ёки сифат кўрсаткичи пасайиб кетган объектлар кўпайиб кетди. Масалан, «Главташкентстрой»да қурилган объектларнинг 61,4, республика Қурилиш министрлиги объектларининг 13, «Главсредазирсовхозстрой»да барпо этилган иншоотларнинг 6,6 процентини қабул комиссиялари «қониқарли» баҳоға қабул қилишди.

Баъзи ташкилотларда қурилиш нормалари, стандартлари ва қоидаларига амал қилинмаяпти. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ўтган йили қурган барча объектларнинг 43 процентида гишт теришда қоришма кам солинган. Конструкцияларни монтаж қилиш, узелларни, чокларни мустаҳкамлашда эътиборсизликка йўл қўйилган. Оқибатда қурилиш ишларининг сифати бузилган.

Иншоотларнинг йиғма синчларини монтажлашда ҳам нормаларга риоя қилмаслик ҳоллари учраяпти. Қарши шаҳридаги нон заводи, Гулистон шаҳридаги ёғ-экстракция заводи, Фарғонадаги телефон-автомат станцияси қурилишларида ана шундай камчиликлар содир бўлди.

«Спецэлеваторметьстрой» трести Жума станциясидаги элеваторда 41-кучланишли корпусининг 24 та пойдеворни қурилишига сифатсиз қоришма ишлатган. Шунинг учун пойдеворни юқори цементли қоришма билан қайта қуришга тўғри келди. Сифатсиз бажарилган ишларнинг қайтадан адо этилиши натижасида давлатнинг неча ўн минглаб сўм маблағи беҳуда сарф қилиняпти.

Халқ хўжалиги учун ажратилаётган капитал маблағнинг кўп қисми бинолар ва иншоотларни капитал ремонт қилишга ишлатиляпти. Айрим ҳоллларда кишилар янги биноларга кўчиб киришгач, ҳеч вақт ўтмай, уни қайтадан ремонт қилдиришга мажбур бўлишяпти. Янги ишга туширилган корхоналар эса реконструкциялаяпти. Оқибатда капитал маблағ совуриляпти.

Фан ва техниканинг тез суръатларда ривожланиши объектларни сифатли қуришга катта имкониятлар яратиш билан бирга, бинокорлик ишларини комплекс механизациялаш масаласини ҳам кун тартибига қўйяпти. Илмий-тадқиқот ва эксперименталконструкторлик бўлимларни ишини янада ривожлантириш, илмий-текшириш ва лойиҳа муассасаларининг бош пудратчи қурилиш ташкилотлари билан алоқасини мустаҳкамлаш керак. Бу ҳам қурилиш ишлари сифатининг ўсишига катта таъсир қилади. Фикримизча, қурилиш трестларидаги лабораториялар ва конструкторлик бюроларини бирлаштириб, министрликлар ва Бош бошқармаларда илмий-тадқиқот марказлари тузиш зарур. Марказ ходимлари янги технология жараёнлари, қурилиш материаллари, кичик механизация воситалари, бинокорлик ишларини илмий ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиб, уни жорий этиш йўлларини кўрсатишлари даркор.

Бинокорлик материаллари саноатида маҳсулотларни аттестациядан ўтказиш, яхши буюмларга Сифат белгиси бериш сифатни бошқаришда алоҳида аҳамиятга эга.

Лойиҳа институтларига, энг яхши типовой лойиҳаларга, яхши ишлаган қурилиш ташкилотларига, яхши-ланган серияда турар-жойларга ва юксак унумдорликка эга бўладиган завод ва фабрикалар ишга туширилгач, уларга сифат баҳоси Ўзбекистон ССР Қурилиш давлат комитетининг бевосита раҳбарлигида берилса кўнгилдагидек бўларди. Бу ўринда иншоотлар ва биноларни техник-иқтисодий жиҳатдан тўла характерлаб бера оладиган қурилиш-монтаж ишлари ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларининг техник карталаридан фойдаланиш мумкин.

Сир эмас. Кўпгина объектлар брак ва чала ишлар билан фойдаланишга топширилляпти. Ўтган йили Тошкент шаҳридаги Чехов кўчасида 180 ўринли болалар боғчаси биносини қабул комиссияси қабул қилган эди. Аммо бир ойга қадар бинодан фойдаланилмади. Чунки, сув, канализация, электр таъминоти тармоқлари қурилиши тугалланмаган, ошхона жиҳозлари келтирилмаган, линолеумни елимлаш битмаган, йўлаклар қурилмаган, деворлари ўрнатилмаган эди.

Объектлар барча қурилиш ишлари батамом тугаллангачгина фойдаланишга топширилиши керак. Биноларни энергия тармоқларини ўтказмай, вентиляцияни монтаж қилмай ва бошқа камчиликларни тугатмай, саноат корхоналари объектларини эса технологик жиҳозларни синаб кўрмай фойдаланишга топширишга барҳам бериш вақти етди. Ишга туширилдиган объектларнинг ҳаммаси худди саноатдагидек сифат аттестациясидан ўтказилиши, халқимизнинг юксак талабларига жавоб берадиган бўлиши зарур.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида бинокорлик ишларининг сифати ва самарадорлигини ўстиришга алоҳида эътибор бериш лозимлиги уқтириб ўтилган. Партия ва ҳукуматимизнинг бу муҳим ҳужжатидаги йўл-йўриқларни амалга ошириш, шинам, кўркам, замон талабига жавоб берадиган иншоотлар қуриш — бинокорлар зиммасидаги муқаддас ва масъулиятли вазифалардир.

П. РОҲАТОВ,
иқтисодчи.

ҚИЗИЛҚУМ БАҒРИДА

Йўллар! Қизилқум кўксини ёриб Келес массиви томон борадиган равон йўлдан ақёнақёнда юк ортилган машиналар ўтиб қолади. Уларнинг аксарияти Чиноз районидаги Жамбул номли хамда Калинин районидаги Охунбобоев номли совхозларнинг чорвачилик хўжаликларига хизмат кўрсатади.

Чўл изғирини юзларни чимчилаб эсади. Охунбобоев номли совхоз яйловларига етгунимизча не-не қир-адирларни босиб ўтишга тўғри келди.

Совхозда 65 та отар бўлиб, ҳар бирининг ораси талай йўл. Чўл оралаймиз. Ниҳоят биз машҳур бош чўпон Тожибек Жунусовга қарашли отарга етиб бордик. Туш палласи. Кўкда паға-паға булутлар сузиб юрибди. Янги типда қурилган қўра олдида хашак майдалайдиган полвон агрегат бир маромда гувиллаб ишламоқда.

— Қишлов учун 150 тонна хашак, 30 тонна ем жамғариб қўйганмиз, — дейди бош чўпон. — Биз қўйларни тунда ҳам бир марта овқатлантирамиз, суғорамиз. Шу боисдан қўйларимиз семиз. Қўзиларимиз ҳам эгиз бўлади.

Бош чўпон бизни яйлов томон бошлади. Кўз илғамас чўлларда саранжи зотли қўнғирқора қўйлар ўтлаб юрибди. Кўриб завқимиз келди.

— Совхозимиз ташкил этилган кезларда, — дейди Т. Жунусов, — ҳар юз совлиқдан аранг 95 тадан қўзи олинганди. Ўтган йили бизнинг отаримизда 140 тадан ошириб қўзи олинди, бу йил ундан ҳам кўпайтирамиз. Қўзилатиш асосан февраль ойида тугалланади.

Поёнсиз яйловларни кезар эканмиз изензорларга дуч келдик. Чўлнинг ҳаддан зиёд иссиғига, сувсизликка чидамли бўлган бу озуқабоп ўсимлик совхоз бўйича 400 гектар майдонни ишғол этган экан. Хўжалик меҳнатсеварлари келгуси йилларда яна бир минг гектар ерга изен экишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишибди. Шу билан бирга унинг ҳосилдорлиги ҳам оширилади.

Мустафо Адамбекович Охунбобоев номли совхозда ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Биз ана шу тажрибакор чорвадор бош чўпонлик қилаётган отарда ҳам қишловга пухта ҳозирлик кўрилганининг гувоҳи бўлдик. Очиқ ва ёпиқ қўралар, қудуқлар мавсумга аллақачон шай қилиб қўйилган экан. Емхашак етарли. Қўйларга ҳаво совуқ бўлган кунларда сув илитиб ичириляпти.

— Қўзилатиш кампанияси тобора якинлашмоқда, — дейди Мустафо Адамбеков. — Бу энг масъулиятли мавсумга хўжалигимизда ҳар йили пухта ҳозирлик кўрилади. Эндиликда ҳам шундай бўлмоқда. Илғорлар тажрибасини кенг оммалаштираётирмиз. Совхозимиз бўйича чўпонларга 100 та сақмончи ажратиб қўйилди. Туғилган қўзилар, болалаган совлиқларни қатъий рацион асосида боқиш чора-тадбирларини кўриб қўйганмиз.

Совхознинг Мамит Адеев, Абдулла Алҳабоев каби ўтган йили ҳар юз бош совлиқдан 140 тадан ошириб қўзи олган бош чўпонлар раҳбарлик қилаётган отларида ҳам чорва қишлови уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Қизилқум чўли тун пардаси билан қопланди. Кўк юзида ҳамон булутлар сузиб юрибди. Лекин ҳавонинг ёғишидан дарак йўқ. Совхоз идорасига етиб борамиз. Директор билан суҳбатлашмоқчи эдик. Аббос Бакиров отарлардан қайтиб келганича йўқ экан.

Идорадаги мутахассис ўртоқлар совхоз босиб ўтган йўл ҳақида қисқача сўзлаб беришди. Хўжалик 15 йил муқаддам ташкил топган бўлиб, ўшанда бу ерда 28 минг бош қўй бўлган экан. Ҳозир эса 45 минг бошдан ошиб кетибди.

Дастлабки йилларда гўштга топширилган қўйларнинг ўртача тирик вазни 40 килограммга етар-етмас бўлган экан. 1979 йилда хўжалик чорвадорлари пландаги 530 тонна ўрнига 570 тонна семиз гўшт сотишибди. Ҳар бир қўйнинг ўртача тирик вазни 54 килограммдан зиёдроққа тўғри келибди. Илгари ҳар юз Ёош совлиқдан 95 тадан кўзи олиб келинган бўлса, 1979 йилда 114 тага етибди.

Бино эшиги олдида енгил автомашина тўхтади.

— Директор келди, — деди биз билан хонада суҳбатлашиб ўтирган мутахассислардан бири.

Аббос Бакиров илиқ саломлашди.

— Шу кунларда идорада ўтиришнинг сира иложи йўқ, — салом-аликдан кейин сўз бошлади директор, — Қишлов—синов дейдилар. Бунда чуқур маъно бор. 45 минг бош қўй-қўзини қишли-қировли кунлардан саломат, семиз олиб чиқишнинг ўзи бўлмайди...

Ҳа, чиндан ҳам шундай. Хўжалик раҳбарининг ҳорғин, аммо ниҳоятда очиқ чеҳрасидан буни пайқаб олиш қийин эмасди.

— Чорвачилик енгил соҳа эмас,—дейди у сўзида давом этиб. — Партия-ҳукуматимиз ана шу соҳани тобора ривожлантириб, меҳнаткаш халқимиз дастурхонини маъмур этишни чорвадорлар олдига ҳеч кечиктириб бўлмайдиган вазифа қилиб қўймоқда. Жонажон партиямиз Марказий Комитетининг 1978 йил июлида, 1979 йилнинг ноябрида бўлиб ўтган Пленумлари қарорлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV ва XV пленумлари ҳужжатлари бизга бебаҳо қўлланма бўлиб, уларда олдинга сурилган вазифаларни дадил амалга оширмоқдамиз. Хўжалигимизда ўтган йили гўшт етиштириш бўйича яхши натижага эришилди. Бу йил давлатга камида 500 тонна семиз гўшт сотамиз.

Қишлов, қўзилатиш кампаниясига тайёргарлик қандай бораётгани ҳақида сўраймиз.

— Яхши, — дейди директор. —Қишлов даврида ҳар бош қўй ҳисобига 2 центнердан дағал хашак, 30 килограмм атрофида концентрат сарфланади. Ўтган йили 16 минг тонна дағал хашак жамғариб қўйган эдик. Ҳар бир отар қўраси олдига 150 тоннадан хашак, 30 тоннадан ем олиб бориб қўйилган. Ем-хашакни исроф қилмасдан сарфлаш мақсадида махсус комиссия тузганмиз. Бош мутахассисларимиз совхоздаги бўлимларга бириктиб қўйилган. Улар бу ердаги коммунистлар, комсомоллар, активистлар билан ҳамкорликда қишловнинг яхши ўтишини, ем-хашакдан оқилона фойдаланишни таъминламоқдалар.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, эрта туғилган қўзилар иссиқ кунлар бошлангунига қадар ўзини тутиб олади. Чўл иссиғига бардошли бўлиб етилади, бунинг устига кузгача 40 килограмм атрофида тош босадиган бўлиб қолади. Қўзилаган совлиқларни айтмайсизми? Ҳаммаси семиз бўлиб етилади. Юз процент қўзилайди. Шу кунларда хўжалигимизда боқилаётган совлиқларнинг 80 проценти февраль ойи мобайнида қўзилайди. Қўзилатиш кампаниясига пухта ҳозирлик кўриб қўйганмиз. Қўзилаган ҳар бир қўйга кунига 0,5 килограммдан ем, 2 килограммдан витаминли ўт уни бериб борилади. Қўзилар эса иссиқ қўраларда парвариш қилинади.

— 1979 йилда 500 минг сўм соф фойда олган эдик, — сўзини якунлади директор. — Бу йилги даромадимиз янада ошади. Юқорида айтиб ўтилганидек, давлатга камида 500 тонна гўшт етказиб берамиз, шу билан бирга, 100 тонна жун сотамиз, 15 минг бош қўзи оламиз.

Совхоз марказидан қайтдик. Қоп-қоронғу тун, чўл изғирини тобора авжга чиқмоқда. Йўлдан олис-олислардаги чўпон-чўлиқлар уйларида, қўйхоналарда чироқлар кўринади. Йўл-йўлакай боғлиқ суҳбатлашган чўпон-чўлиқларни кўз олдимизга келтирамиз. Қандай баҳодир, меҳнатсевар, софдил инсонлар улар! Эл-юрт маъмурлиги йўлида шу бепоён чўллар бағрида туну кун меҳнат қилишмоқда, заҳмат чекишмоқда. Балли, уларга!

У. ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Тошкент область Бекобод районидаги «Далварзин» совхози чорвадорлари орасида пешқадам, тажрибали сут согувчилар кўп. Шулардан бири сиз юқоридаги суратда кўриб турганингиз Умрниса Бобораҳимова бўлади. У ўнинчи беш йилликнинг якуиловчи йилида ўз боқимидаги 32 бош сигирнинг ҳар биридан 4 минг литрдан сут согиб олиш мажбуриятини қабул қилган.

Фарғона областидаги Қува бўрдоқичилик базасида 800 бош қорамолни боқишга мўлжалланган учта молхона, 28 минг товуқни боқиш имкониятини берадиган учта товуқхона, иккита инкубаторня ҳамда озиқ-овқат цехи мавжуд бўлиб, ҳозир бу ерга зотдор моллар, сертухум ҳамда бройлер товуқлар келтирилмоқда. База шу йилдан бошлаб маҳсулот бера бошлайди.

Пастдаги суратда шу база қошидаги товуқчилик фермаси мудири У. Ҳасанов, парранда-боқар К. Ражабов ва унинг қизи Ф. Ражабоваларни кўриб турибсиз.

А. Авазов [ЎзТАГ] ва М. Қорабеков фотолари.

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА БОЛАЛАРГА СОВҒА

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ёш авлоднинг сиҳат-саломат, жисмоний бақувват ўсиши тўғрисида катта ғамхўрлик қиляпти. Болалар учун ҳар йили юзлаб янги боғчалар, мактаблар очилмоқда. Киров районида ана шундай боғчалардан бири болаларга совға қилинди. 140 ўринли Алёнушка номли 3-боғчада барча қулайликлар муҳайё қилинган. Баскетбол майдончаси мавжуд. Ёзги бассейн ҳам қурилган.

Боғчада турли миллат вакиллари тарбияланади. Машғулотларда болалар нутқини ўстиришга, сўзларни аниқ ва равон талаффуз қилишга, расм чизишга, ашула айтишга ва бошқа қизиқарли ўйинларга катта эътибор бериляпти.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ,
Тошкент шаҳри.

ЯШАРГАН ҚИШЛОҚЛАР

Бувайда қишлоқ Совети территориясидаги қишлоқлар кундан-кунга чирой очиб, яшармоқда. Ўтган сайловдан бери бу ерда жуда катта ўзгаришлар юз берди. 200 дан ортиқ оила янги уйларга кўчиб ўтди. Ишлаб чиқариш илғорларидан 80 киши, шу жумладан, бригадир Ж. Эргашев «Волга», М. Набиев «Москвич», К. Раҳмонов, Б. Аҳмедовлар «Жигули» енгил машиналари билан мукофотландилар.

Депутатлар сайловчиларнинг ишончини оқлаб, наказларни доимо ўз вақтида бажариб келмоқдалар. Бажарилган наказлар ичида қурилиш алоҳида ўрин тутади. Ўтган қисқа муддат ичида Бувайда қишлоғида 650 ўринли маданият саройи, 70 ўринли касалхона, болалар боғчаси, почта биноси, Тоғлиқ қишлоғида 600 ўқувчига мўлжалланган мактаб, Янги қишлоқда 150 ўринли икки қаватли замонавий болалар боғчаси ишга туширилди.

Қишлоқ йўллари асфальтланди. Икки бригадада замонавий дала шийпонлари қурилди. Бешта қишлоқ кутубхонаси намунали ишлаб турибди. Ўрта ва Янги қишлоқда медпункт ишга туширилди.

Р. ИЗБОСАРОВ,
Бувайда райони.

АСР ТЕНГДОШИ

Пешку районидаги «Маҳаллаишоляк» қишлоғида Майсара ая Мақсудова истиқомат қилади. Асрни ортда қолдирган бу онахон узоқ йиллар мобайнида колхозда меҳнат қилиб, катта обрў-эътиборга эга бўлган. Бойлар эшигида чўрилик қилиб, бир бурда қора нонга зор бўлиб яшаган М. Мақсудова Улуғ Октябрь туфайли ёруғликка чиқди. У биринчилар қатори паранжисини ташлади, биринчиларда бўлиб колхозга аъзо бўлиб кирди.

Ҳозирги пайтда онахон фаровон турмуш кечирмоқда. Катта қизи Мукаррам ая 74 ёшда, ўғли Имом ака 55 ёшни қаршилаган. У Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида мардлик ва жасурлик кўрсатиб, кўксини жанговар орден-медалларга тўлдириб қайтган киши. Майсара аянинг элликдан зиёд невараларевараси бор. Аср тенгдоши бўлмиш онахон билан суҳбатлашганимизда, у фаровон турмуш, бахтли тақдир учун партия ва ҳукуматимиздан чексиз миннатдор эканлигини изҳор этди.

Онахон ҳали тетик, бардам. Рўзғор ишларида бошқош. Ишларнинг яқин маслаҳатгўйи, насиҳатгўйидир. Ҳалол меҳнати билан эл эъзозига сазовор бўлган Майсара ая каби пиру-бадавлат онахонларимизни ҳар қанча ардоқласак оз.

М. ШАРОПОВ,
Пешку райони.

БОСИЛМАГАН ХАТЛАР ИЗИДАН

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ҚИЛИНМОҚДА

«Ғалларорол районидаги «1-Май» совхозида почта иши яхши йўлга қўйилмаган. Ҳаммом ишламайди. Иккинчи бўлимдаги клуб иши ҳам ўлда-жўлда...» (Совхознинг бир группа комсомол-ёшлари ҳатидан).

ҒАЛЛАОРОЛ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ: хат бўйича текшириш ўтказилганда унда келтирилган фактлар тўғри эканлиги маълум бўлди. Совхознинг иккинчи бўлимида йиғилиш бўлиб ўтиб, унда йўл қўйилган камчиликларнинг сабаблари аниқланди ва тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Бўлимдаги ҳаммом тез кунларда ишга туширилади. Алоқа бўлимининг иши яхшиланди. Клубдаги камчиликлар бартараф этилмоқда.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ТАРИХИЙ ВАЗИФА

Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгаши раисининг ўринбосари, мамлакат Бош министрининг ўринбосари Султонали Кештманд ТАСС мухбирлари билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: АДРнинг янги раҳбарлари Апрель революциясининг энг муҳим вазифаларини амалга оширишга, бутун халқни жипслаштиришга, партия бирлигини мустаҳкамлаш ва унинг ролини оширишга, революцион тартиб ва қонунчиликни қайта тиклашга қаратилган кенг программани ўртага қўйган эдилар. Ана шу программани бутун халқ актив, астойдил қўллаб-қувватлаётганлиги Афғонистонни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичидаги дастлабки ва энг муҳим хусусиятлардир. Халқимиз олдида, деб таъкидлади у, АДРнинг прогрессив ижтимоий-сиёсий асосларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан, феодализмга қарши миллий ва демократик революцияни узил-кесил галабагача олиб боришдан иборат чинакам тарихий вазифа турибди. Ҳозирги вақтда республиканинг ҳақиқий демократик конституцияси ишлаб чиқилмоқда. Халқнинг сиёсий ҳокимияти умуммиллий ва маҳаллий кенгашлар орқали амалга оширилади, жирга (умумий мажлис)га депутатлар тўла тенглик асосида яширин овоз билан сайланадилар. Сиёсий маҳбусларга умумий амнистия эълон қилиш тўғрисидаги декрет қабул қилинганлиги натижасида, Кобулнинг ўзидагина тўрт мингдан кўпроқ киши озодликка чиқарилди. Булар орасида чин ватанпарварлар, шу жумладан Афғонистон Халқ демократик партиясининг аъзолари оз эмас.

Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий истиқболлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, деб давом қилди Султонали Кештманд, шуни қайд этиш керакки, мамлакатни ривожлантириш беш йиллик планининг асосий босқичлари Апрель революциясидан кейинги дастлабки ойлардаёқ белгилаб қўйилган эди. Эндиликда мазкур планга зарур тузатишлар киритилгандан кейин у актив равишда амалга оширилаверади. «Ишсизлар иш билан таъминлансин!», «Ер — деҳқонларга!», «Саводсизлик — революция душмани!» — бу шиорлар ҳозир халқимиз амалга ошириш учун курашаётган ғоят муҳим ижтимоий-иқтисодий ўзгартишларнинг моҳиятини белгилаб беради. Феодализм қолдиқларини тугатиш, экономикада давлат секторини кенгайтириш, ҳунармандларга, майда ва ўрта ҳол ер эгаларига ёрдам бериш ва уларни рағбатлантириш, демократик ер ислоҳотининг бундан буёнги босқичларини амалга ошириш — бизнинг энг муҳим вазифаларимиздир.

АДРнинг янги ҳукумати революцион Афғонистон актив ва ижобий бетарафлик принципларига асосланган принципиал тинчлик сиёсати йўлига амал қилишини эълон қилди. Аммо ҳеч ким бизнинг тинчликсеварлигимизни заифлик деб қабул қилмасларига керак. Афғонистон бизнинг суверенитетимиз ва эркинлигимизга ҳамон таҳдид қилаётган, бизнинг ички ишларимизга аралашаётган империализм, мустамлакачилик, реакция кучларининг ҳар қандай кирдикорларига барҳа беришга қатъий қарор қилгандир.

АФҒОНИСТОН ҲУКУМАТИ БИЛАН БИРДАМЛИК

ПРАГА. Жаҳон Касаба союзлари федерацияси Афғонистон янги ҳукуматининг мамлакат территориал бутунлиги ва суверенитетини гарантиялаш, афғон халқининг демократик ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, демократик ўзгартишларни амалга ошириш, империалистлар ҳамда реакциячиларнинг Афғонистондаги аҳволни беқарор қилиш режаларини барбод этиш мақсадида амалга оширган тадбирларини қўллаб-қувватлайди.

Жаҳон Касаба союзлари федерацияси, дейилади бу ерда эълон қилинган баёнотда, бутун дунё меҳнаткашларини АҚШ бошчилигидаги империалистик давлатларнинг Афғонистон ва Эронга қарши янги ҳарбий авантюралар уюштириш ҳамда бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни таҳликада қолдириш йўлидаги уринишларига чек қўймоқ учун ҳамма ишни қилишга, империалистларнинг коскинликни юмшатишга, халқлар тинчлиги, миллий мустақиллиги ва хавфсизлигига қарши қилаётган кирдикорларини қоралашга даъват этади.

БАЙРУТ. Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг аъзоси Ясир Абд Раббу қуйидагиларни айтди: фаластинлик араб халқи, араблар дунёсидаги барча тараққийпарвар кучлар Афғонистондаги воқеалар муносабати билан АҚШ ва реакцион империалистик давлатлар авж олдириб юборган туҳмат-бўҳтон кампаниясини қаҳр-ғазаб билан қоралайдилар.

Афғонистондаги революция ғалаба қозонгандан кейин дарҳол АҚШ афғон халқининг революцион ғалабаларига путур етказиш мақсадида шу мамлакатнинг ички ишларига аралаша бошлади. Пекиндаги раҳбарлар Америка империализмининг Бевосита гумаштаси ролини бажарди ва ҳамон бажариб келмоқда.

Биз, Афғонистондаги воқеалар афғон халқининг ички иши деб ҳисоблаймиз. Афғон халқи СССРнинг холисона ёрдамига таяниб, ўз суверенитети ва мустақиллигини империализм ва реакция кучларининг ҳамлаларидан қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қола олади, деди Я. Абд Раббу.

(ТАСС).

АКСИЛИНҚИЛОБЧИЛАРНИНГ ҲОМИЙЛАРИ

Вашингтон ва Пекин афғон аксилинқилобчилар гуруҳларини қонуний ҳукуматга қарши курашиш учун пул билан таъминлаб ва қуроллантириб, Афғонистоннинг ички ишларига кенг кўламда аралашмоқдалар. Американинг Эн-Би-Си телевизион компанияси Покистон территориясида ташкил қилинган махсус лагердан репортаж кўрсатди. Ана шу лагерда «минглаб» аксилинқилобчилар ҳарбий таълим олмоқдалар. «Нью-Йорк таймс» газетаси «АҚШ мудофаа министрлигининг маълумотларига кўра, афғон армияси совет қўшинлари унга мадад бераётган бир пайтда аксилинқилобчиларга қарши жанглари давом эттирмоқда», деб ёзади.

«Дейли уорлд» газетаси Хитой армиясининг офицерлари Покистон — Афғонистон чегараси районидаги лагерларда афғон бандитларига таълим бераётганликларини хабар қилади. Аксилинқилобчиларнинг кўпдан-кўп қуролли гуруҳлари ана шу лагерларда тайёргарликдан ўтиб, сўнгра Афғонистон территориясига ташланган эди. Бундай шайкалар, деб уқтиради газета, Хитойнинг ўзида ҳам, жумладан, Синьцзянда тайёрланмоқда.

Пекинлик раҳбарлар Афғонистонга қарши хуружларини яшираётганлари ҳам йўқ. Англиянинг Би-Би-Си радиотелевизион компанияси хабар қилганидек, афғон революцияси душманларини қўллаб-қувватлашни активлаштириш тўғрисидаги масалани Хитой раҳбарлари Пекинга расмий визит билан келган АҚШ мудофаа министри Г. Браун билан муҳокама қилганлар. Томонлар, деб таъкидлади Би-Би-Си, аксилинқилобчиларга биргаликда ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Империалистик давлатлар ва аксилинқилобчи муртадларнинг халқ Афғонистонига қарши қилаётган кирдикорларига Садат режими ҳам қўшилди. Англияда чиқадиган «Таймс» газетаси ҳозирдаёқ Миср территориясида бандитларни ҳарбий жиҳатдан тайёрлаш учун бир қанча марказ тузилганлигини уқтиради. «Таймс» шуни ҳам қайд этадики, Афғонистон армияси Ғарбда даъво қилишаётганидек, «русларга қарши асло қўзғолонга отлангани йўқ», балки совет қўшинлари билан биргаликда актив ҳаракат қилмоқда.

Қуролли тўдаларнинг бошлиқлари ўзларига ҳомий ортириш мақсадида жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар. Лондонда чиқадиган «Дейли телеграф» газетасининг хабар қилишича, улар қурол-яроғ етказиб беришни сўраб, Англияга мурожаат этишган.

* * *

Исломободдан олинаётган маълумотларга кўра Покистон территориясидан келиб Афғонистонга қарши агрессия қилаётган қуролли контрреволюцион тўдаларга АҚШ ҳамон қурол-яроғ ва ҳарбий аслаҳа-анжомлар етказиб бермоқда. АҚШ президенти телевидение орқали нутқ сўзлагандан кейин америкаликлар Покистон ҳукуматига бандитларнинг тўдаларига қурол-яроғ етказиб беришни кенгайтиришни таклиф қилганликлари бу ерда маълум бўлди. Жумладан ана шу қурол-яроғлар Хитой орқали етказиб берилади, деб таклиф этилди.

Хабардор доираларда таъкидлашларича, АҚШ мудофаа министри Г. Браунинг Пекинга қилган визити давомида АҚШнинг ўзи шу масала хусусида Хитой билан музокаралар олиб бориши тўғрисида Покистон ҳукуматига маълум қилган. Худди ўша манбаалардан олинган маълумотларга кўра Хитой Покистонга кўпгина миқдорда қурол-яроғ ва ўқ-дори юборишга рози бўлган. Ана шу қурол-яроғ ва ўқ-дориларни Покистонга етказиб бериш учун Қорақурум тош йўлидан фойдаланилмоқда, бу йўл кейинги ойларда чет элликлар учун ва ҳатто маҳаллий туристлар учун бошдан охиригача ёпиб қўйилган. Покистон қўшинлари Покистон қисмида шу тош йўлни кўриқлаб турибдилар.

Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, АҚШ Покистон ҳукуматини Афғонистон ишларига бундан буён қуролли аралашувга жалб қилишга уринмоқда, бу эса маҳаллий матбуотнинг таъкидлаб ўтаётганидек, Покистоннинг миллий манфаатларига очиқдан-очиқ хиёнатдир.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **НЬЮ-ЙОРК.** Деярли уч ойлик танаффусдан сўнг Иллинойс штатидаги Кливленд шаҳри мактабларида машғулотлар бошлаб юборилди. Илгари хабар қилинганидек, ўтган йилнинг октябрь ойида ана шу шаҳарнинг ўқитувчиларидан мингдан ортиқ киши иш ҳақи нарх-наво ортиши билан мувофиқлаштирилиши тўғрисидаги талаблари қондирилмагунича ишга чиқишдан бош тортган эдилар. Шаҳар маъмурлари уларга ён босишга мажбур бўлдилар.

● **ДАМАШҚ.** Сурия президенти Ҳафиз Асад Араб Социалистик уйғониш партияси регионал раҳбарлигининг аъзоси Абдул Рауф ал-Касмга мамлакат янги ҳукуматини тузишни топширди. Ал-Касм бош министр қилиб тайинлангунга қадар Дамашқ шаҳрининг губернатори эди.

● **МАПУТУ.** Мозамбик пойтахтида бошланғич мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш семинари ўз ишини бошлади. Семинар қатнашчилари мактабда сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, шунингдек ўқув программаларини тайёрлаш тўғрисидаги масалаларни муҳокама қиладилар.

(ТАСС.)

АМЕРИКА—ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ВАШИНГТОН, 10 январь. (ТАСС). Қўшма Штатлар Эронга қарши жазо чораларини амалга оширишга тайёрланиб, ўзининг қуролли кучларини шу мамлакатга бевосита яқин жойга тўплашни давом эттирмоқда. Матбуотнинг АҚШ ҳукуматидаги олий мансабдор расмий кишиларга асосланиб хабар беришича, Пентагон ўз операциялари учун Мисрдаги базадан фойдаланмоқчи. АҚШ давлат департаменти вакилининг сўзига қараганда Исроил территориясидаги базалардан кенг фойдаланиш имкониятлари ҳам кўриб чиқилмоқда.

Вашингтон, шунингдек, Уммон, Кения ва Сомалидаги базалардан фойдаланиб, ҳарбий операцияларни амалга ошириш ниятидадир. «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар беришича, АҚШ мудофаа министрлигининг делегацияси шу мамлакатларга инспекция мақсадида қилган сафаридан қайтиб келгандан кейин яна яқин орада ҳарбий денгиз ва ҳарбий ҳаво базаларини АҚШ кемалари ва самолётларини қабул қилишга тайёрлаш мақсадида Американинг бир группа техника экспертлари у ерга юборилади.

Вашингтон Яқин Шарқ ва Форс кўрфазидаги ҳарбий ҳаракатларга тайёргарликни Афғонистондаги воқеалар тезлигида иғвогарлик мақсадида кўтарган шовқин-сурон билан никоблямоқда.

Айни вақтда Вашингтон Эронга қарши тайёрланаётган ҳарбий ҳаракатларга жалб этиш ва бу ҳаракатларга «коллектив»тус бериш мақсадида ўзининг НАТОдаги шериклари ва бошқа «иттифоқчиларига» тазйиқни кучайтирмоқда. Чунончи, Австралия Ҳинд океанидаги ҳарбий кучларини кўпайтириш ниятида эканлиги, Англия Арабистон денгизи районига ўз кемаларини юбормоқчи эканлиги тўғрисида хабарлар пайдо бўлди.

Вашингтонда кейинги вақтларда Америка билан Эрон ўртасидаги тангликни тинч воситалар билан ҳал этишга уринишдан амалда воз кечганликларини гўё Эронда «алоқа боғлаш ёки музокаралар олиб бориш учун ягона ҳукумат йўқ» деган тамомила асоссиз даъволар билан оклямоқдалар. Жумладан, президент Ж. Картер Оқ уйда АҚШ конгрессининг бир группа аъзолари билан ўтказган учрашувида шу гапларни айтди. Бундай гаплар юмшоқ қилиб айтганда асоссиз бўлиб, нуқул Оқ уйнинг ўз фикрини ифода этса керак. Эронда давлатни бошқараётган қонуний ҳукумат ва оятилло Хумайни бошчилигидаги Ислом революцион кенгаши бор.

Мана шуларнинг ҳаммаси ҳарбий интервенцияга психологик тайёргарлик кўриш воситаларидан бири, деб таъкидлайдилар обзорчилар.

ТЕҲРОН, 10 январь. (ТАСС). Қумда, Табризда ва Эроннинг бошқа шаҳарларида оятилло Хумайнини қўллаб-қувватлаган ҳамда Америка империализмининг ҳарбий ва иқтисодий таҳдидига қарши миллий бирликни мустаҳкамлаш зарур, деган шиорлар остида кўп минг киши иштирокида намойишлар бўлиб ўтди. Маъмурлар намойиш бошланиши олдидан Марказий разведка бошқармасининг агентлари ва собиқ савакчилар турли сиёсий гуруҳларининг тарафдорлари ўртасида тўқнашувлар уюштириш учун шу намойишлардан фойдаланиш ниятида эканликлари тўғрисида аҳолини огоҳлантирдилар. Тегишли чоралар кўрилишига қарамай, Табризда бир тўда иғвогарлар намойишнинг тинч ўтишига халақит беришга муваффақ бўлдилар ва тартибсизлик келтириб чиқардилар. Тўқнашув натижасида ўн киши ўлдирилди ва юзга яқин киши яраланди қилинди.

Марказий маъмурларнинг қарорига мувофиқ, Табризга армиянинг ва жандармларнинг қўшимча бўлинмалари ва «Ислом революцияси қўриқчилари» отрядлари келтирилди. Табризда шоҳга тарафдор унсурларнинг сурбетларча хуружига зарба бериш мақсадида шаҳарда тартиб сақловчи бирлашган штаб тузилди.

«ЭРКИН ДУНЕ» ҚИЕФАСИ

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ

ТАШВИШЛИ ИСТИҚБОЛЛАР

АҚШнинг энг катта шаҳри — Нью-Йоркнинг бюджетидаги камомат тўхтовсиз ортиб бораверади. Бир гуруҳ иқтисодчиларнинг Нью-Йоркда эълон қилинган маълумотномасида шундай тахмин баён этилган. Матбуотнинг уқтириб ёзишича, Нью-Йоркнинг молиявий мушкулотлари чуқурлашуви шаҳар олдида кўндаланг бўлиб турган ишсизлик, жиноятчилик, уй-жой қурилишининг ва медицина таъминоти системасининг танглиги сингари муаммоларнинг жуда кескинлашувига олиб боради.

АНГЛИЯ

ИНГЛИЗЧА «ТЕНГЛИК»

Даромадлар ва бойликларни тақсимлаш комиссиясининг маълумотларига кўра, Буюк Британия аҳолисининг бир процентга мамлакат миллий бойлигининг 25 процентини эгаллаб олган. Шу комиссия эълон қилган ҳужжатда айтилишича, Англия экономикасида кам ҳақ тўланадиган жами ишчиларнинг 75 процентга хотин-қизлардир.

(ТАСС).

Тошкентдаги Чилонзор район ДОСААФ клубида машғулотлар мунтазам ўтказилади. Ўтган йили бу ерда 1300 дан кўпроқ йигит-қиз спорт-техника соҳасида малакасини оширди. Суратларда: 1. (чапда) ДОСААФчилар машина бошқариш машқида. 2. Кўнгилли спорт жамиятининг жамоатчиларидан бири — Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ш. Умаров клуб аъзоларидан Д. Ҳакимов ва М. Мақсудова билан суҳбатда. 3. Мотокросс пойгаси иштирокчилари машғулотида.

А. Авазов фотолари. (ЎзТАГ).

АБАДИЙ ОЛАМ КЎЗГУСИ

Бундан ўн бир йил муқаддам, Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллиги нишонланадиган кунда Ўзбекистон Фанлар академияси қошида Давлат адабиёт музейи ишга тушган эди.

Ўтган даврда ўлкамиз номи билан аталган бу музейда халқимизнинг бой адабий меросини мумкин қадар бир жойга тўплаш, унинг ноёб намуналарини халққа кўрсатиш борасида катта ишлар қилинди.

Ҳозир музейда ҳаттотлик, бадиий эпиграфия ва миниатюра санъатини ўрганиш, классик адабиётимиз меросини ўрганиш илмий-методик кабинети мавжуд. Бу кабинетда санъатшунослик ва навоийшуносликка оид турли тилларда нашр этилган уч мингдан ортиқ ноёб китоблар тўпланган.

Музейимиз фондида XII асрнинг буюк олими Али Замахшарийнинг нодир асари «Муқаддиматул — адаб»дан тортиб, бугунги кунимизнинг энг истеъдодли ёзувчи ва шоирларининг дастхатларигача мавжуддир.

Адабиёт музейининг бошланғич бўлимларидан Барахша, Термиз, Еттисув, Афросиёб ва бошқа жойларда ўтказилган археологик қазишмалар натижасида топилган қадимий маданиятимиз обидаларидан намуналар жой олган. XV асрнинг биринчи ярмида яшаган Аҳмадий ва унинг «Созлар мунозараси», Юсуф Амирайнинг «Бангу бода», Яқинийнинг «Ўқ ва ёй» мунозараси, Лутфийнинг «Гул ва Наврўз», Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достонлари, Атоий, Саккокий, Гадоий каби дунёвий шоирларнинг девонлари, қўлёзмалари музей залларидан ўрин олган.

Адабиёт музейининг бир неча заллари ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири, жаҳон адабиётининг буюк санъаткорларидан бири Алишер Навоийнинг яшаган даври, ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган. Бу залларда Алишер Навоийнинг ҳаёти, «Навоий шеърияти», «Навоий «Хамса»си», Навоийнинг ижтимоий фаолияти, XV аср миниатюра санъати ва ҳаттотлик санъатига бағишланган полотнолар, Навоий асарларига ишланган миниатюралар, шоир ижодининг оламшумуллиги жуда бой фактик материаллар асосида намойиш қилинган.

Бобир ва бобирийлар раҳбарлиги остида Ҳиндистонда равнақ топган туркий тилдаги адабиёт вакиллари ҳамда Зебинисо ва Абдуқодир Бедил каби форс-тожик тилида ижод қилган шоирлар ҳақидаги маълумотлар ҳам алоҳида залларда жой олган.

XVII асрнинг II ярми адабиёти намояндаси, прогрессив оқимнинг йирик вакили Турди Фароғий ўз асарларида амалдорларнинг кирдикорларини фош этди, халқ кўзголонларида қатнашди. Музей залида Турди портрети, халқ кўзголонлари картиналари, солиқлар натижасида қашшоқланган халқ ҳаёти тасвирланган иллюстрациялар, шунингдек, отаси шоир Бобораҳим Машраб ижоди ва уни қатл қилиш тасвирланган полотнолар алоҳида жой олганки, булар томошабин эътиборини ўзига тортади.

Шунингдек, XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек демократик адабиётининг улкан вакиллари Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар ўғли каби шоирлар ҳаёти ва ижодини ёритиш учун махсус зал ажратилган бўлиб, ундаги материаллар, айниқса ранг-баранг ишланган. Сатирик лавҳаларда феодал зулми, диний хурофот ва чоризм исканжаси остида шафқатсиз эксплуатация қилинган халқнинг аянчли ҳаёти, эркинлик ва озодлик учун бўлган кескиз интилиши ўз ифодасини топган.

Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган даврда ўзбек адабиёти бўлими Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Садриддин Айниийларнинг дастлабки ижодлари билан якунланади.

Ўзбек совет адабиёти бўлими эса отаси шоир ва драматург Ҳамзанинг улкан совет шоири В. В. Маяковский билан бирга тик турган ҳолдаги портрети билан очилади. Бунда рамзий маъно бор, албатта. Шундан сўнг, «Ҳамза — революционер», «Ҳамза — ўзбек совет адабиёти драматургиясининг асосчиси», «Ҳамза ва замонамиз», «Ҳамза ва қардош халқлар адабиёти» бўлимлари бошланади. Уларнинг ҳар бири улкан шоир ҳаёти ҳақида қисқа қилувчи сермазмун полотнолар билан бойитилган. Айниқса, Қутлуғ Баширов ва Эркин Охуновларнинг Ҳамза ҳаёти ва ижодини ёритувчи 24 та график суратлари алоҳида ўрин тутади.

Ўзбек совет адабиётининг йирик вакиллари Садриддин Айний ҳақидаги материаллар, Абдулла Қодирий дастхатлари ва биринчи манба даражасидаги ҳужжатлар ва шахсий буюмлари кўргазмалари музейдан кенг ўрин олган. Шунингдек, Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулом, Уйғун, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ойдин, Ҳусайн Шамс, К. Яшин каби адибларимизнинг самарали ижоди ҳақида қиқоя қилувчи қимматли маълумотлар, уларнинг дастхатлари, суратлари кўргазма залларига кўрк бағишлаб турибди. Шуни айтиб ўтиш керакки, музейда 20-йиллар, 30-йиллар адабиёти, Улуғ Ватан уруши даври адабиёти ҳақида алоҳида-алоҳида кўргазма заллари ташкил этилган.

Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкентда ўтказилган халқаро анжуманлари ҳақида қиқоя қилувчи стендлар, фотоматериаллар, ҳужжатлар ҳам томошабинларда зўр қизиқиш уйғотади.

Музейнинг фольклор бўлими ўзбек совет фольклоршунослигининг тўпловчилик, тадқиқотчилик ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналарини нашр этиш борасида қўлга киритган катта ютуқларини тарғиб этиш ҳамда намойиш қилиш йўлида самарали ишлар қилмоқда. Экспозицияда ўтмиш ва ҳозирги замон ўзбек халқ оғзаки ижодининг барча жанрларидан намуналар, шоир ва бахшилар, қўшиқчи ва эртакчилар, қизиқчи ва аскиячилар, созанда ва хонандаларнинг ижоди, ҳаёт йўли ҳам муносиб ўрин олган.

Адабиёт музейи ходимлари КПСС XXV съезди қарорлари ва Коммунистик партиялнинг адабиёт ва санъат ҳақидаги кўрсатмалари, шунингдек, умумсовет адабиётининг энг янги ютуқларини, жаҳон классикларининг илғор фикрларини ақлли ўртасида тарғиб-ташвиқ қилишда ҳам катта ташаббус кўрсатмоқдалар.

Ж. УСМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги Алишер Навоий номли Давлат адабиёт музейи мудири.

САМАРАЛИ ИЗЛАНИШ

ҚҚАССР. Мармар кесадиган станок тузилиши жиҳатдан улкан ва қулайсиз эди. Унинг устига меҳнат унумдорлиги паст бўлиб, мармарнинг кўпчилиги чиқиндига чиқиб кетарди. Мана шуларни тугатишда «Узторгтехколхозстрой» трести мутахассислари мармарни тежаш йўлларини изладилар. Бунинг натижасида мармар плиталарини кесадиган янги станок яратилди. У оддий, ихчам ва арзон бўлиши билан бирга анча қулайликларга эга. Янги станокда мармар исроф қилинмайди. Йилига 2,5—3 минг сўм маблағ тежаш имконини беради.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

НАВБАТ КАТТАЛАРГА

Шу кунларда Тошкентдаги «Ёшлик» спорт аренаси спортчилар билан гавжум. Бугун улкан спорт залининг югуриш йўлкаларига «Ёшлик» аренаси совринн учун ўтказиладиган анъанавий қишки чемпионат иштирокчилари чиқадилар. Катта ёшдаги енгил атлетикачилар ўзларининг дастлабки мусобақаларида мавсумга тайёргарликнинг ўзига хос босқичини ўтайдилар. Кўпи кеча ўсмирлар мазкур соврин учун ўтказилган мусобақада куч синашгандилар. Беллашувларда республика ўсмирларининг 200 дан зиёд умидли енгил атлетикачилари майдонга тушдилар. Мусобақалар икки группага бўлинган ҳолда давом этди. Биринчи группага кирувчи коллективлар ўртасида «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти вакиллари голиблик қилишди. Иккинчи группада эса «Локомотив» командаси биринчи ўринни эгаллади.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТУПЛАР, ОЧКОЛАР

● **БОКС.** Барановичи шаҳрида ўсмирлар ўртасида Бутуниттифоқ шахсий-команда мусобақалари ўтказилди. Ёш чарм қўлқоп усталари баҳсида куч синашган республикамиз вакилларидан етти нафари вазнларига кўра ғалабага эришдилар. Улар шунингдек команда ҳисобида ҳам пешқадамлик қилишди.

● **ВОЛЕЙБОЛ.** Тошкентда Бутуниттифоқ зонал мусобақалари якунланди. Республика ўсмирлар командаси учрашувларни муваффақиятли ўтказиб финалга йўлланма олди. «Меҳнат резервлари» спорт саройида эса биринчи лига коллективлари ўртасида мамлакат чемпионати 3-тур учрашувлари бошланди. Тошкентлик динамочилар «Каспий» командаси билан ўйнаб [2:3] имконятни бой беришди.

● **ЕНГИЛ АТЛЕТИКА.** Андижонлик Светлана Улмасова ўтган йилнинг энг яхши ўн енгил атлетикачиси қаторидан ўрин олди. У жаҳон миқёсида 1500 ва 3000 метрга югуриш бўйича бешинчи ҳамда иккинчи натижа кўрсатгани қайд қилинди.

● **ФУТБОЛ.** Динамочи В. Марганий хотираси совринн учун ўтказилаётган анъанавий мусобақа Сухумида давом этмоқда. Республикамиз ёшлари ҳал қилувчи учрашувлар олдидан бир ғалаба, икки дуранг натижа билан фахрли иккинчи ўринни эгаллаб туришибди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

14—20 ЯНВАРЬ

14 ЯНВАРЬ ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.35 — Дарвозабон. Бадиий фильм. 11.20 — Ҳайвонот оламида. 13.00 — Янгиликлар. 15.20 — Меҳнатинг — иқболинг. 16.00 — Звездочёт. 16.45 — Онамларнинг мактаби. 17.15 — Олдинда Олимпиада. 17.45 — Ёшлар адреслари. 18.30 — Татаристон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 19.15 — Болаларга аталган шеърлар. 19.30 — Беш йиллик. Якунловчи йил. 20.00 — Қиш лавҳалари. 20.10 — Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-спектаклнинг давоми. Кўрсатув тугагач дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

17.50 — Мультфильм. 18.10 — Жонажон ўлка. 18.40 — Ғалабанинг 35 йиллигига. 19.10 — Мусобақа: мақсад, характер, тажриба. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Езувчи ва замон. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Премьералар, учрашувлар, дебютлар.

II

16.40 — Қизиқарли математика. 19.10 — Оловда тобланганлар. 19.20 — Ёшлик. 19.50 — Янгиликлар. 20.10 — Вена почта маркаси. Бадиий фильм. 21.30 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун назарий механика.

15 ЯНВАРЬ СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Фильм-спектакль. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Жонажон табиат. 16.30 — Концерт. 17.00 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан. 17.30 — Тоғ чанги спорти бўйича жаҳон кубоги учун. 18.00 — Ҳужжатли фильм. 19.00—Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фильм-концерт. 19.50 — Фан оламида. 20.20 — Очиқ китоб. Бадиий фильм 1-серия. 21.30 — Время. 22.05—Фильм-концерт. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Мўъжизасиз-мўъжизалар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

16.20 — Мультфильм. 18.25 — Дастлабки пионер гулханларининг алангаси. 18.55 — Миллионлар ленинча университети. 19.10 — Ўзбекистон — ноқоратупроқ ерларга. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Рояль олдида суҳбатлар. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — Отасизлик. Бадиий фильм.

II

18.40 — Болалар учун фильмлар. 19.10 — Эстетика асослари. 19.50 — Янгиликлар. 20.10 — Музика менинг ҳаётим. 20.25 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 20.55 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика.

16 ЯНВАРЬ ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.25 — Очиқ китоб. Бадиий фильм 1-серия. 11.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Халқ оҳанглари. 16.30 — Мураббий 17.00 — Уфқ. 18.00 — Рус тили. 18.30 — Горчичлар, қаердасиз! 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Қалбга яқин қўшиқлар. 20.10 — Очиқ китоб. Бадиий фильм 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Останкино концерт студиясида Қ. Қулиев шеърияти кечаси. Кўрсатув тугагач дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30— Болалар учун фильм-концерт. 11.45 — Қўғирчоқ фильмлар. 12.15 — Отасизлик. Бадиий фильм. 13.40 — Биринчи лига эркаклар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тошкент) — «Кураппаратура» (Вильнюс). 18.20 — Мультфильм. 18.40 — Тенгдошлар ижоди. 19.10 — Қишлоқ ҳаёти. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. 20.15 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30— Время. 22.05 — Театр.

II

18.40 — Эстетика асослари. 19.20 — Реклама. 19.40 — Икки эама. Бадиий фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 20.50 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

17 ЯНВАРЬ ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горчичлар, қаердасиз! 10.35 — Очиқ китоб. Бадиий фильм 2-серия. 11.55 — Фильм-концерт. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.05 — Рус ва совет рассомлари асарларида 1905 йил. 16.50 — Молдавия ССР санъат усталарининг концерти. 17.30 — Шахмат мактаби. 18.30 — Сиз ёқтирган шеърлар. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Миллионлар ленинча университети. 20.05 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист О. Эрдейли чалади. 20.25 — Очиқ китоб. Бадиий фильм 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 22.35 — Дунё воқеалари: 22.50 — Дўстларимиз чеҳраси. 23.25 — «Апельсин» вокал чолғу ансамбли ижро этади.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Қўғирчоқ фильмлар. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00. — Фонарик. 13.30 — Надежда. Бадиий фильм. 14.55 — Юлдуза — давлат ғамхўрлиги. 19.10 — Илғор тажриба мактаби. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Тош, дарахт, металл. 20.00 — Оламда нима гап. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Мафтункор бахт юлдузи. Бадиий фильм 2-серия. 23.20 — Биринчи лига эркаклар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати.

II

18.40 — Фильм-концерт. 19.20 — Буюк зафарлар йили. 19.50 — Янгиликлар. 20.10 — Табиатга муҳаббат. 20.40 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун чизма геометрия.

18 ЯНВАРЬ ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ёшлар ижоди. 10.35 — Очиқ китоб. Бадиий фильм 3-серия. 11.40 — Халқ чолғу асбоблари овози. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Таржима санъати. 17.20 —Орлёнок. 17.45 — Москва комсомолининг ишлари. 18.15 — Кийилган туфличалар. Бадиий фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Халқ ижодиёти. 20.15 — Сайловдан-сайловгача. 20.25 — Очиқ китоб. Бадиий фильм 4-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Санъат усталарининг концерти. Кўрсатув тугагач дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.00 — Биологиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Қўғирчоқ фильмлар. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Санъат гунчалари. 13.30 — Яхши бўлишларга истасанг. Бадиий фильм. 16.20 — Мультфильм. 18.40 — Меҳнаткашлар дам олиши.

II

18.40—Болалар учун фильм. 18.55 — Фильм-концерт. 19.20 — Буюк зафарлар йили. 19.50 — Янгиликлар. 20.10 — Табиатга муҳаббат. 20.40 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун чизма геометрия.

19 ЯНВАРЬ ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.10 — АБВГДейка. 10.40 — Очиқ китоб. Бадиий фильм 4- серия. 11.45 — Отаоналар, Сизлар учун. 12.15 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 12.45 — Қўплаб сифатли товарлар етказиб бераймиз. 13.15 — Москвичка. 14.20 — Спортлото. 14.35 — Шоир Михаил Исаковский туғилган кунининг 80 йиллигига. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.45 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 16.30 — Мультфильмлар. 16.55 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 17.55 — Тамбу-Ламбу. Бадиий фильм. 18.25 — Концерт. 18.55 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан. Она саҳоҳати. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Олтин нота. 23.00 — Спорт программаси. Кўрсатув тугагач янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

I

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Кинопублицист экрани. 11.00 — Спектакль. 12.50 — Спорт программаси. 13.20 — Ҳамма гап анамда. Бадиий фильм. 14.35 — Ёшлик. 15.55 — Жанговар постда. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.45 — До-ре-ми-фа-соль. 19.15 — Эҳтиёт бўлинг, грипп. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирнни сезмай қолдимми. 20.30 — Ахборот 20.50 — Тожикистон ССР-да хизмат кўрсатган артист Жўрабек Набиев қўйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Тўлин ой кечаси. Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

I

10.00 — Янгиликлар. 10.10 —Биз — Тошкентданмиз. 12.10 — Қувноқ стартлар. 13.10 — Онамларнинг мактаби. 13.40— Сайловдан-сайловгача. 14.05 — Ёшлик. 15.45 — Реклама. 18.20 — Мультфильмлар. 18.55 — Хушчақчақ қишлоқ шаҳри. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концертнинг давоми. 21.30 — Время. 22.05 — Эртага премьера.

КИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.05 — Фрунзе кўрсатувлари.

20 ЯНВАРЬ ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Заряднага сафланинг. 10.05 — Концерт. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Здоровье. 12.45 — Тонгги почта. 13.15 — Фан ва техника. 13.30 — Колхоз қурилишининг 50 йиллиги олдидан. 14.30 — Музикали киоск. 15.00 — Мангу даваат. Бадиий фильм 3-серия. 16.15 — Ҳужжатли фильм. 17.05 — Хатларингиз асосида. 17.50 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.50 — Мультфильм. 19.00 — Халқаро панорама. 19.45— Концерт. 20.05 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар ниғоҳи билан. 20.20 — Ўз бахти. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-концерт. 23.05 — Конькида югуриш бўйича Европа чемпионати.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

РЕКЛАМА ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/I да **Концерт** (ўзбек тилида, 19.00), 13/I да **Олов виддининг сеҳрли шамчироғи** (12.00), **Бир актли балетлар** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/I да **Иккилоб тонги.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ ДА — 12/I да **Тошкентнинг нозанин малинаси**, 13/I да **Олтин камар.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги йил эртак цирк томошалари** (19.00).

●

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИШЛАШ УЧУН

кафедра доценти: совет ҳуқуқи;

кафедра катта ўқитувчилари: илмий коммунизм, халқ хўжалиги тарихи (СССР тарихи, ўзбек тилида — тайёрлов бўлимида ишлаш учун), молия, саноатда бухгалтерия ҳисоби ва анализи;

кафедра ўқитувчилари: жисмоний тарбия (енгил атлетика).

АНДИЖОН ШАҲРИДА ИШЛАШ УЧУН

кафедра мудири: тармоқ иқтисоси ва ўчёти (статистика бўйича).

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: 700063, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183-уй.

●

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг М. Т. ЎРОЗБОЕВ НОМИДАГИ МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАРНИНГ СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ
иншоотларни синаш лабораториясининг катта илмий ходими
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, Г-143, Академиклар шаҳарчаси (17, 71, 69-автобуслар, 17 18-троллейбуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Академиклар шаҳарчаси» бекати).

●

ЎРТА ОСИЕ РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИ
геомеханика лабораториясининг катта илмий ходими
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда фан докторлари ва кандидатлари ҳамда кон ишларида бузилган ерларни рекультивация қилиш соҳасида иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали мутахассислар қатнашишлари мумкин.

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар конкурс шартларига мувофиқ институт директори номига қуйидаги адресга юборилсин: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 59-уй.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги коллегияси ва Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари институт илмий коммунизм кафедрасининг мудири, тарих фанлари кандидати, доцент

Қуёш Пўлатович ОТАМИРЗАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети радиоэшиттириш коллективи республика радиоси «Сўнгги ахборот» бош редакцияси редактори Ҳ. Тожиматовга ўғли

БЕҲЗОДнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Средазнефтегазстрой» трестининг 2-шўнчилар таъминоти бўлими коллективи шўнчилар таъминоти бўлимининг Фрунзе бўлинмаси бошлиғи Т. Утаповга онаси

Ултуган УТАПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Моҳир қўллар. 10.35 — Очиқ китоб. Кўп серияли бадиий фильм. 4-5 сериялар. 12.45 — Ота-оналар, Сизлар учун. 13.15 — Спортлото. 13.30 — Советлар ва ҳаёт. 14.00 — Музикали абонемент. 14.45 — Сиз бунга қодирсиз. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.45 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 16.45 — Талабларингизга биноан учрашувлар. 17.30 — Ҳайвонот оламида. 18.30 — Скрипка миниатюралари. 18.45 — Мультфильмлар. 19.15 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 20.00 — Голубой огонёк (такрорий). 21.30 — Время. 22.05 — Голубой огонёк (давоми).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

I

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телевизион миниатюралар театри. 10.50 — Ўзбекистон спорти. 11.20 — Ота-оналар университети. 11.50 — Сурхондарё театри ёш солистларининг концерти. 12.30 — Инсон ва қонун. 13.00 — Самарқанд. 13.50 — Сайловдан-сайловгача. 18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.30 — Санъат гунчалари. 19.00 — XVIII—XIX асрлар рус ва Ғарбий Европа фарфори ҳақида қиқоя. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — М. Қори Ёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси солисти О. Отажонов куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Қаердасан, Аҳмад? Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.30 — Душанба кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 8.30 — Ёш овозлар. 9.30 — Ёшлик. 10.25 — Дутоналар. 11.30 — Биз қўшиқ айтишни севамиз. 13.00 — Паррандачиликни саноат асосида ривожлантирайлик. 13.30 — Пўл бошида. Музикали эшиттириш. 14.00 — Ремонт устаҳоналарида. Радиотингловчиларнинг хатлари асосида. 16.10 — Сайловчиларнинг талабларига биноан концерт. 17.30 — Халқ қўшиқлари гулдастаси. 18.15 — Идеология ва ҳаёт туркумидан. 19.45 — Дутор тароналари. 20.25 — Таниш оҳанглар. 21.00 — Халқаро шарҳловчилар даврасида. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.28 — З. Обидов шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-53-16; совет қурилиши — 33-57-20, 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01724. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64585. Б. — 10. 10